O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 30 ноябрь, сешанба № 143 (2031). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 30 ноября, 2004 г. № 143 (2031). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 2004 йил 2 декабрь куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 1 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР БЛОКЛАРИ ТАРКИБИГА КИРАДИГАН ДЕПУТАТЛАР ДИҚҚАТИГА

Олий Мажлисда 30 ноябрь куни соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 30 ноябрь куни соат 16.30 да бўлади.

Олий Мажлисда 1 декабрь куни соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси Владимир Рушайло Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатлари ўртасида алоқаларни янада кенгайтириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризмга ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашдаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилди. Суҳбатда, шунингдек, жорий йилнинг 26 декабрида юртимизда ўтказилажак парламент сайловида МДҲ Ижроия қўмитаси вакилларидан иборат кузатувчиларнинг иштирокини ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

● САЙЛОВ—2004

Сайловга бағишланган янги китоблар

Марказий сайлов комиссияси томонидан «Сайлов: Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёни» (Б. Мустафоев, Ҳ. Авезов) қисқача изоҳли луғати ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босмадан чиққан ушбу луғатда демократик сайлов жараёнида қўлланиладиган олтмишга яқин тушунчаларнинг изоҳи содда ва равон услубда баён қилинган.

Ўзбек ва рус тилидаги мазкур китобда, хусусан, «Имзо варақаси», «Мажоритар сайлов тизими», «Пассив сайлов ҳуқуқи», «Сайловни тайинлаш», «Сайлов кампанияси», «Сайлов бюллетени», «Сайловолди ташвиқоти», «Такрорий сайлов», «Хорижий (халқаро) кузатувчи» ва «Электорат» каби сўз ва иборалар мутахассислар томонидан батафсил изоҳланган.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси «Жаҳон» ахборот агентлиги билан ҳамкорликда Б. Мустафоевнинг «Эркин демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари» китобини ҳам уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) кўп минг нусхада нашрдан чиқарди.

Рисолада сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари, мамлакатимизда икки палатали парламентга сайловнинг ўзига хос жиҳатлари, унда сиёсий партияларнинг иштироки, сайловолди кампаниясини молиялаштириш тартиби, фуқароларнинг депутатликка номзод кўрсатишда иштироки, Сенат аъзолари сайловининг хусусиятлари ҳақида атрофлича сўз юритилади.

Лазиз РАҲМАТОВ,
ЎзА мухбири.

ЯНГИ ПЛАКАТЛАР

Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайловларнинг янада очиқ, ошкора ва мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида сайловчилар учун ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида бир неча ўлчамдаги рангли плакатларни чоп этди.

Кўп минг нусхада босмадан чиққан бундай кўргазмали тарғибот материаллари округ ва участка сайлов комиссиялари биноларига, номзодларнинг сайловолди учрашувлари ўтадиган масканларга, жамоат транспорти, таълим муассасаларига, маҳалла гузарларига жойлаштириш учун мослаб тайёрланган.

(ЎзА).

Ўзбекистон „сув парилари“—ғолиб!

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи сув спорти саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ва Мудофаа вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси ва Ўзбекистон синхрон сузиш федерацияси томонидан ташкил этилган синхрон сузиш бўйича «Сув париси» V анъанавий халқаро турнири якунланди.

1999 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур халқаро турнирда ҳамюртларимиз билан бирга Россия, Хитой, Қозоғистон, Ҳиндистон ва Беларусдан келган 50 нафардан зиёд ёш спортчи ўз маҳоратини намойиш этди.

Яккалик баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Дарья Мажаеванинг чиқиши ҳакамлар томонидан юқори баҳоланиб, унга мусобақа кубоги топширилди. Қолган совринли ўринлар россиялик Анна Ходикина ҳамда Беларус вакиласи Ольга Ушаковага насиб қилди.

Турнирда хитойлик спортчиларнинг чиқишлари ҳам мухлису мутахассисларга манзур бўлди. Айниқса, жуфтлик беллашувларида онлавий дуэт — Жианг Жин Жин ҳамда Жианг Вен Вен кўрсатган дастур ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди — хитойлик эгизаклар олтин медаль билан тақдирланди. Россиялик Александра Ушакова ҳамда Александра Климцева ҳамда Қозоғистон терма жамоаси аъзолари — Марина Коринец ва Светлана Нечипуренко ҳам совриндорлар сафидан жой олди.

Гуруҳ беллашувларида иштирок этган терма жамоалар эркин ҳамда мураккаблаштирилган ихтиёрий дастур бўйича маҳоратини намойиш қилди. Эркин дастур бўйича биринчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон терма жамоаси асосий таркибининг чиқишлари мураккаблаштирилган машқларда ҳам энг юқори баҳоланди. Қозоғистон терма жамоаси вакилалари эса ҳар икки усул бўйича кумуш медални қўлга киритди. Ўзбекистон терма жамоасининг иккинчи таркиби эса бир жуфт бронза медалга эга бўлди.

«Сув париси» V халқаро турнири ўзбекистонлик синхрон сузувчиларнинг маҳорати, тажрибаси йилдан-йилга ошиб, умидли спортчиларимиз сафи тобора кенгайиб бораётганини кўрсатди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Қаҳрамон ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбирлари.

Эртага Мудофаа вазирлигининг барча қисм ва бўлинмаларида янги 2004-2005 ўқув йили бошланади. Унинг шиори: „ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОННИ СЕВИБ АРДОҚЛАШ, ЮКСАК КАСБИЙ МАҲОРАТ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ —ҲАР БИР ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИНИНГ БУРЧИДИР!“

Моҳиятни англаш— илдам одимлаш

Яна бир ўқув йили ортда қолди. Халқона айтганда, қисм ва бўлинмаларда ғалвир сувдан кўтарилди. Якуний синовлар ҳарбий жамоаларда жанговар шайлик даражасига ўзига хос баҳо берди. Подполковниклар — Ш. Убайдуллаев, М. Жанабаев, Б. Ибрагимов, майор М. Бобожонов командирлик қилаётган ҳарбий жамоалар, генерал-майор Ф. Усмонов бошчилик қилаётган Қуролли Кучлар Академияси жамоаси ортда қолган ўқув йили ғолиблари, дея эълон қилинди. Демак, тилга олинган мазкур жамоалар Ватанга садоқат, касбий маҳоратни такомиллаштириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, техника ва қурол-яроғларни жанговар қўллашга доимо тайёрлаш борасида намунали, ибратли ишлар қилишган. Ахир, ушбу мезонлар жанговар шайликни билдиради.

Капитан Анвар Кенжаев ва унинг жамоаси янги ўқув йилига кўтаринки бир руҳда киришмоқда. Сабаби — ўтган ўқув йилидаги ютуқлар. Мазкур жамоа ҳарбий қисмда энг илғор, деб топилди. Командири эса «Энг илғор батальон командири» бўлди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлган йўқ. Жамоада мўътадил муҳит бор. Бу аҳиллик, жипслик, ўзаро кўмакдошликдан. Айниқса, катта лейтенант Муҳаммад Рўзиев командирлик қилаётган взводда. Масалан, жорий йил баҳорида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Дилмурод Маллаевни олайлик. Посбоннинг вазифаси — пулемётчи. Тез орада соҳани пухта эгаллади. Айниқса, бу борада шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Уйғун Ортиқовдан кўп сабоқлар олди. Бугун у жамоанинг илғорларидан.

— Мен муддатли ҳарбий хизматни тугатгач, ички ишлар соҳасида фаолият юритмоқчиман. Шунинг учун армия мактабидан кўп сабоқлар олишга киришаяпман. Янги ўқув йилида, хусусан, қишки ўқув мавсумида ўз олдимга мақсад қўйдим. Бунга кўра барча тайёргарликлардан аъло баҳолар олишга ҳаракат қиламан. Посбоннинг интеллектуал салоҳияти юксак бўлиши учун бадиий адабиётларни ҳам мутолаа қилиб туриш керак. Мен яқинда кутубхонамиздан «Шайтанат», «Икки эшик орасида» каби асарларни олиб ўқидим. Дунёқарашим ўзгарди, фикрларим янада тиниқлашди. Олдимиздаги мавсумда ҳам мутолаага эътибор қаратаман. Сафларимизга ёш аскарлар келиб қўшилди. Уларга билим ва кўникмаларимни ўргатаман, — дейди оддий аскар Д. Маллаев.

Хуллас, бу жамоа посбонларида юртга муҳаббат, садоқат устувор. Касбий маҳоратни ошириш йўлида масъулиятни ҳис қилишади. Интеллектуал салоҳиятни янада оширишга интилиш бор. Бугуннинг, ислоҳотларимизнинг талаби ҳам шу. Демак, талаблар моҳиятни англаш, янги-янги жанговар ютуқлар сари одимлаш, дегани. Бу — жанговар шайликнинг кафолатидир.

Майор Алижон САФАРОВ.

Шиорлари— илғорлик

Офицер Сурьатжон Шомуродов етакчилик қилаётган ҳарбий жамоа Жанубиғарбий махсус ҳарбий округда илғорлар сафида саналади. Чунки, мазкур жамоа посбонлари ўқув мавсуми мобайнида тинимсиз изланиб, касб маҳоратларини такомиллаштириб боришган эди-да. Қисмнинг мана шундай ўктам шунқорларидан бири оддий аскар Фарҳод Пўлатовдир. У сафдошлари орасида ўзининг хуш хулқи ва зукколиги билан доимо намуна. Эртага Қуролли Кучларимизда қишки ўқув мавсуми бошланади. Хўш, янги ўқув йилини посбонлар қандай қарши олишмоқда? Биз бу борада қаҳрамонимиз Фарҳоднинг фикрларини билишга қизиқдик.

— Ватанни севиш, ардоқлаш — ҳар бир юрт ҳимоячисининг энг олий бурчидир. Бизнинг жонажон Ўзбекистонга муҳаббатимиз ўз зиммамиздаги вазифани сидқидилдан адо этишимизда намоён бўлади. Биз ўғлонлар ўқув мавсуми мобайнида касбий маҳоратларимизни қанчалик мукаммал ўзлаштириб борсак, диёримиз сарҳадлари шунчалик бехавотир бўлади. Шунинг учун ҳам жамоамиз посбонлари билан бошланажак ўқув мавсумида илғорликни қўлдан бой бермасликка аҳд қилганмиз.

Комилжон ҲАСАНОВ.

К ЗАНЯТИЯМ ГОТОВЫ

Рядовые Д. Таиров, Б. Муминов, А. Закиров, О. Пардаев с первых дней службы показали себя старательными и дисциплинированными воинами. Во время торжественного принятия Военной присяги все они были награждены грамотами от командования части.

— Это для каждого из нас аванс на будущее, — говорит рядовой Д. Таиров. — Попав в боевое подразделение и присматриваясь к умелым действиям прошедших армейскую школу сослуживцев, мы поняли, что до настоящих профессионалов нам пока далеко, но в новом учебном году сделаем все, чтобы в совершенстве овладеть необходимыми знаниями и стать высококлассными специалистами.

Завтра в частях и подразделениях стартует новый учебный год. Для начинающих срочную военную службу солдат это начало новых испытаний, которые они готовы выдержать с честью и достоинством.

Майор Хайритдин ЗАИНИЛОВ.

● ТВОИ СЫНОВЬЯ, УЗБЕКИСТАН!

На плечи нынешнего поколения офицеров независимого Узбекистана ложится довольно большая ответственность: они главное звено в решении сложных задач по реформированию Вооруженных Сил. Под их чутким руководством части и подразделения шаг за шагом проделывают путь к поставленной цели — профессиональной армии. Они в ответе за этот конечный результат, и оправдать столь высокое доверие — большая честь, ведь время выбрало нас. Именно под таким заголовком читайте на 4-й странице материал нашего корреспондента о кавалере ордена «Шон-Шараф» II степени и медали «Жасорат», слушателе Академии Вооруженных Сил подполковнике Рустаме Рахмонове.

ҚАСАМЁД—КУЧ БАҒИШЛАЙДИ

Юртимизнинг турли гарнизонларида бўлгани сингари, Чирчиқ гарнизонидаги бир нечта ҳарбий жамоаларда ҳам ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳаётида муҳим ва унутилмас воқеа саналмиш Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг кузги чақирувида Қуролли Кучларимиз сафларига келиб қўшилган ёш аскарлар, шунингдек, сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ойлик йиғинига жалб этилган фуқаролар тантанали маросим муносабати билан саф тортишди.

Тадбир давомида сўзга чиққанлар Президент, халқи олдида доимо содиқ бўлишга онт ичганларни ушбу воқеа билан қутлашар экан, ҳар қандай шароитда ҳам юрт посбони деган шарафли ва масъулиятли номга доғ туширмасликларига ишонч билдириб, ўзларининг тилак ва эзгу ниятларини изҳор этишди.

Маросим ниҳоясига етгач, ҳозиргина қасамёд қабул қилган посбонлар билан суҳбатлашишга ошиқдик.

— Мен учун шундай қувончли кунда ота-онам ёнимдалигидан бошим кўкларга етди, — дейди оддий аскар Алишер Примқулов (суратда). — Ахир, ҳар бир ота-она учун фарзанд камолидан ортиқроқ бахт борми.

— Бу қувончга тўла кунни ҳеч қачон ёддан чиқармасам керак, — дея гап бошлади самарқандлик оддий аскар Дониёр Исроилов. — Муддатли ҳарбий хизматга лойиқ деб топилганимда жуда хурсанд бўлган эдим. Ушбу кундаги таассуротларимни ифодалашда биргина «хурсандман», дейиш кифоя қилмайди. Бу ерда ҳам ҳаяжон, ҳам қувонч, ҳам ўзгача масъулият ҳисси мужассам.

Сўнгра сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ойлик йиғинига жалб этилган фуқаролар билан ҳамсуҳбат бўлдик.

— Мана, орзиқиб кутилган дамлар, мен кўп бора эшитиб, ҳавас қилган онлар етиб келди. Мен ҳам Ҳарбий қасамёд қабул қилдим. Тўғрисини айтсам, ҳаяжонландим. Қизиғи, сафдошларимнинг бирин-кетин қасамёд қабул қилаётганини кузатиб, барчаси жуда осондек эди, назаримда. Бироқ, ўзимнинг навбатим етганида юрак уриши тезлашганидан масъулиятли ва умрда бир маротаба бўлувчи бу каби воқеанинг бутун ҳаяжонини ҳис этдим, — дейди Қ. Жўрабоев. Дарвоқе, пойтахт вилоятининг Қибрай туманидан бўлмиш Қаҳрамон Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабасидир.

Ўзининг таассуротлари билан ўртоқлашган яна бир суҳбатдошимиз эса Анвар Мирсаидовдир.

— Бир ой хизмат қилган бўлсам-да, уйимга олам-олам таассуротлар билан қайтаяпман. Бу ерда ўтказилган ҳар бир машғулот, дарс менда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, жанговар қуроллар билан боғлиқ машқлар, яъни уларни қисмларга ажратиш, йиғиш ҳамда нишонга отиш жуда ёқди. Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида эса ўзимиз учун жуда фойдали бўлган кўпгина янги-янги маълумотлардан, юртимиз ҳаётига оид воқеалардан хабардор бўлдик. Айниқса, кўпчиликни қизиқтирувчи мавзу — яқинлашиб келаётган сайловлар тўғрисидаги саволларимизга ҳам жавоблар олдик. Бу ерда олган энг катта сабоғим эса — вақтдан унумли фойдаланишдир. Уйга қайтгач, келгуси фаолиятимни, ҳар бир кунимни имкон қадар аниқ режа асосида ўтказишга ҳаракат қиламан.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Сайёрамиз садоси • Пульс планеты

Российский космонавт Салижан Шарипов, в течение получаса управлявший кораблем «Союз ТМА-5» в ручном режиме, в 12.53 успешно пристыковал его к причальному порту модуля «Заря». Стыковка заслужила одобрительные аплодисменты специалистов ЦУПа и журналистов.

***

Главой правящей консервативной партии Франции стал министр финансов Николя Саркози. Как ожидается, с этого поста Саркози в 2007 году будет баллотироваться в президенты Франции. На заседании конгресса представители «Союза в поддержку народного движения» сообщили, что при голосовании кандидатуру Саркози поддержали 85,1% членов партии.

***

По меньшей мере 12 человек погибли и 10 получили ранения в результате взрыва смертником автомобиля в иракском городе Рамади. О подробностях происшествия пока не сообщается.

***

Президент Польши Квасьневский заявил, что угроза распада Украины, на его взгляд, является реальностью. Об этом он сообщил после возвращения из Киева в прямом эфире телеканала ТВП-1. «Это вполне реальная угроза, особенно если она будет поддержана внешними силами», — сказал Квасьневский.

***

В Румынии состоялись президентские и парламентские выборы. На избирательные участки пришли 57,3% из 18 миллионов граждан, имеющих право голоса. Как сообщает из Бухареста белградское агентство Бета, в борьбе за места в двухпалатном парламенте страны победу одержала коалиция правящей Социал-демократической партии и «Гуманитарной партии». По предварительным данным, коалиция получила 40% мандатов в сенате и 39,9% в нижней палате парламента. Сенат Румынии состоит из 137 представителей, а нижняя палата — из 314 депутатов. Основные претенденты на пост президента страны — премьер-министр Адриан Настасе и мэр румынской столицы Траян Башеску — получили соответственно 43,7 и 34,7% голосов. Второй тур президентских выборов назначен на 12 декабря.

***

Король Иордании Абдалла II лишил своего брата Хамзу бен Хусейна титула наследного принца. По словам короля Абдаллы II, титул наследника престола «почетен, но он не дает никакой власти и не налагает никаких обязанностей». Лишение титула позволит принцу Хамзе «занимать такие посты, которые по закону не может занимать наследный принц».

(По страницам Интернета).

СИРДАРЁНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ШУҲРАТИНИ МАРД, ОРИЯТЛИ ИНСОНЛАР ТИКЛАЙДИ

Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи баёни

Бугунги йиғилишимиз кун тартибига қўйилган масала бўйича батафсил фикр алмашиб, тегишли қарор қабул қилишимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари сессияда. Маълумки, мавсум ёки йил якунига етиши билан ҳар қайси жамоа, ҳар қайси ташкилот, керак бўлса, ҳар қайси туман ва вилоятда амалга оширилган ишлар танқидий нуқтаи назардан баҳоланиб, сарҳисоб қилинади.

Бугун биз Сирдарё вилоятининг иш якунларини кўрар эканмиз, эътиборни нафақат бир йиллик натижаларга қаратишимиз, балки охирги йилларда шу заминда барча соҳаларда эришилган марраларни эътироф этган ҳолда, ҳаммамизни ташвишга соладиган, чуқур ўйлашга мажбур қиладиган воқеалар, сурункали тус олган оқсоқлик сабаблари ҳақида фикр юритишимиз ва уларни бартараф этиш йўлларини излашимизни ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, бу йил қатор вилоятларда бўлиб ўтган учрашувларда, навбатдан ташқари сессияларда жойларда ислоҳотларнинг бориши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Бу йиғилишларда ким қандай ютуқларга эришгани, ким қандай хато ва камчиликларга йўл қўйгани ҳақида рўй-рост гапиришяпти, ҳар ким ўз ишига қараб муносиб баҳосини оляпти. Биров рағбатга сазовор бўляпти, бошқа бировнинг эса ўз жойини бўшатиб беришига тўғри келяпти.

Қаерда бўлмасин, ютуқларимиз билан бирга камчиликлар ҳақида ҳам ҳеч кимдан яширмасдан, телевидение ва матбуот орқали халқимизга ахборот бериб боряпти.

Масалага бундай ёндашув бизнинг демократия ва ошкоралик тамойиллари асосида янги жамият қураётганимиздан, ана шу умумбашарий қадриятлар онгу тафаккуримизга тобора сингиб, ҳаётимиз эркинлашиб бораётганидан далолат беради.

Сирдарё вилояти ҳақида, унинг тузилиш ва шаклланиш тарихи, мамлакатимиз ҳаётида тутган иқтисодий, сиёсий-ижтимоий, маданий ўрни, унинг бугунги куни ва келгуси истиқболи ҳақида сўз юритганда, албатта, бу вилоят, бошқалардан фарқли ўлароқ, қандай қийин ва оғир шароитда ташкил топганига алоҳида эътибор берилади, деди Президент. Жумладан, чўл ҳудудида жойлашган ушбу вилоят ерларининг аксарият қисми шўрлангани, жазирама иссиқ, сув ресурслари, ишчи кучининг етишмаслиги каби объектив ҳолатлар мавжудлигини ҳеч ким инкор этмайди. Албатта, буларнинг барчаси Сирдарё вилояти ривожига, шу ерда яшаётган юз минглаб одамларнинг ҳаётига катта салбий таъсир кўрсатаётганини ҳаммамиз тан оламиз.

Шу боисдан ҳам ҳар гал янги йил ва истиқбол режаларини белгилаётганда ҳукуматимиз ва тармоқ вазирликлари бу вилоятнинг муаммоларини алоҳида ҳисобга олиши нақадар муҳим экани ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Вилоятдаги аҳволни қисқача таҳлил қиладиган бўлсак, ишлаб чиқариш соҳаларини, жумладан, етакчи қишлоқ хўжалик тармоғини оладиган бўлсак, тупроқ унумдорлигининг пастлиги, ер ости сувларининг кўтарилиб, шўр босиш тобора кучайиб бораётгани, ирригация ва мелиорация ишларига доимий эътибор қаратиш зарурлиги маълум бўлади.

Лекин, шулар қаторида бир саволга холисона жавоб берайлик, деди Президентимиз. Сирдарё вилояти шароитига бундай кўз билан қараш, бундай муносабат ўз йўли билан, аммо шу ерда яшаётган одамларнинг ҳаёт даражасини бошқалардан кам бўлмайдиган бир босқичга кўтариш, уларнинг ўз меҳнати, куч-ғайрати билан муносиб даромад топиши учун тегишли шароит ва имкониятлар яратиб бериш, аввало жамоатчилигимиз ва халқимизни шунга сафарбар қилиш керакми, йўқми?

Яхши ният билан меҳнат қилаётган одамларнинг бошини қовуштириш, кўнглини кўтариш, ишни оқилона ташкил қилиш, бир сўз билан айтганда, қийинчиликларда тобланган ва суяги қотган, ор-номусли Сирдарё аҳли олдига амалий режалар ва катта марраларни қўйиб, уларни шу мақсад сари бошлаш кимнинг вазифаси бўлиши керак?

Ана шундай масъулиятни ўз зиммасига оладиган, шу ерни обод қилишга бел боғлаган, шу юрт менинг, оиламнинг, болаларимнинг ватани, деган фикр билан яшайдиган одамларни кимдир етакчи бўлиб руҳлантириши, зарур бўлганда, кўкрагини қалқон қилиб уларни ҳимоялаши керакми, йўқми?

Мамлакатимиз раҳбари вилоят ҳаётида тўпланиб қолган ўткир муаммолар, ғов-тўсиқларнинг ҳаммаси бугунги кунда авваламбор бир масалага — кадрлар масаласига бориб тақалиши аён, дея таъкидлади. Яъни, билимли, ташкилотчи ва ташаббускор, жавобгарликни ўзига олишга қодир бўлган, ўзини аямасдан ишлайдиган фидойиларнинг етишмаслиги Сирдарё шароитида ҳали-бери оғир муаммо бўлиб қолмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, Сирдарёнинг катта салоҳиятга эга экани, унинг Ўзбекистон ривожига қандай ҳисса қўшгани, кўп-кўп ишнинг кўзини биладиган, етук кадрлар шу ерда камол топиб, ўзини намоён этгани ҳам жамоатчилигимизга яхши маълум.

Вилоят тарихида шундай кўтарилиш даврлари бўлганки, улар ҳақиқий мардлар ва қаҳрамонларни юзага чиқарган. Бу баландпарвоз гап эмас. Шу заминни ўзлаштиришга азму қарор қилиб, юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келган минг-минглаб одамлар электр ўрнига керосин чироқ ёқиб, гармсел шамоллари ва қаҳратон совуғига бардош бериб яшаган ва ишлаган. Буни халқимиз жуда яхши билади.

Ана шундай заҳматкаш кишиларнинг меҳнати ва матонати билан Сирдарё том маънодаги вилоят бўлиб шаклланган. Бугун шу инсонларнинг номларини, эл-юрт равнақи йўлидаги унутилмас хизматларини эслаб, уларга ҳар қанча ҳурмат-эҳтиром билдирсак арзийди. Афсуски, охирги йиллар мобайнида Сирдарёда бундай ибратли мисоллар ўзининг давомини топмаяпти.

Албатта, бугун вилоятда ҳеч қандай ўзгариш рўй бермаяпти, десак, адолатдан бўлмайди. Барча минтақа ва ҳудудларимиз қатори Сирдарё вилоятида ҳам ҳаёт, тараққиёт тўхтаб тургани йўқ, мавжуд қийинчиликларга қарамай, одамлар ишламоқда, янги-янги марралар сари интилмоқда. Шу ўринда 9 ойлик якунларига кўра, вилоятда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 фоизга, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 116 фоизга ўсганини қайд этиш зарур.

Хусусан, АҚШ, Россия, Туркия ва Швейцария мамлакатлари иштирокида барпо этилган замонавий саноат корхоналари, жумладан, йилига 7,5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Лола-модуль», лойиҳа қиймати 15 миллион евро бўлган «Сайхун-медтекс», қарийб 500 минг долларлик сармоя киритилган «Сардоба-давр ЛТД», қишлоқ хўжалик соҳаси учун зарур ускуна ва механизмлар тайёрланадиган — «Б-Алтайсервис» каби қўшма корхоналарнинг ишга туширилгани вилоят иқтисодиётидаги салмоқли ўзгаришлар қаторига киради.

Ҳозирги вақтда бу ерда Ўзбекистон ва Буюк Британия иштирокида барпо этилган «Сарбон-текс» қўшма корхонасининг иккинчи навбатини қуриш бўйича ишлар якунланмоқда. Энг муҳими, мана шундай катта лойиҳаларни амалга ошириш натижасида вилоят бўйича 14 мингдан зиёд, шу жумладан, қишлоқ жойларида 11 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Вилоятда шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам бирмунча ишлар қилингани, хусусан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида сув тармоқлари тортиш 129 фоиз, газ тармоқлари тортиш эса 123 фоизга кўпайганини, янги йўллар, болалар спорт иншоотлари қурилганини, ободончилик ишлари бажарилганини ижобий баҳолаш мумкин.

Шу билан бирга, Президентимиз кейинги йилларда Сирдарё вилоятининг кўпгина асосий соҳалардаги кўрсаткичлари, бу заминда йиллар давомида шаклланган иқтисодий салоҳиятнинг тобора пасайиб бораётганини афсус билан қайд этди.

Ислом Каримов бундай қолоқ вазиятни кузатиш ва исбот қилиб бериш учун фақатгина айрим соҳа ва тармоқлар аҳволига депутатлар эътиборини жалб қилар экан, вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси 13 йилдан буён сурункасига бажарилмасдан келаётганини кўрсатиб ўтди.

Жорий йилда ҳам бу борада сезиларли ўзгариш бўлмагани, пахта тайёрлаш шартнома режаси республика бўйича энг охирги ўринда — 72 фоизда қолиб кетгани, ҳосилдорлик атиги 15 центнерни, Ховос ва Мирзаобод туманларида эса 10 центнерни ташкил этгани ғоят ачинарлидир.

Бу соҳадаги жиддий хато-камчиликлар туфайли вилоят бўйича 73 минг тонна пахта ҳосили бой берилди, бошқача айтганда, 18 миллиард сўм даромад йўқотилди, давлатга, халққа қанча зарар етказилди. Энг ёмони, бундай аҳвол йил бўйи кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкиб меҳнат қилган одамларнинг даромади ва турмуш даражасига салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Вилоятда пахтачиликка ихтисослашган 8 та туман, 26 та ширкат хўжалиги, 6 минг 186 та фермер хўжалиги пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажармаган.

Бунинг тагини суриштирсангиз, асосий сабаби битта — яъни ишни тўғри ташкил этолмаслик, масъулиятсизлик ва ўзибўларчилик кайфиятида десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Минг афсуски, мана шундай ҳолат кўп йиллардан буён муттасил давом этиб, туман ва вилоят раҳбарлари уни қандайдир табиий ҳол, деб ҳисоблашга ўрганиб қолган, деди Ислом Каримов.

Бундай салбий ишлар учун куюниш, ўзини қийнаш, шу вазиятга олиб келадиган сабабларни таҳлил қилиш, уларнинг илдизига етиб бориш, амалий чора-тадбирлар кўриш ўрнига бу раҳбарлар бепарволик ва лоқайдликка берилиб кетганини сезиш қийин эмас. Энг ачинарли томони шуки, ҳар йили мана шундай мавсум якунида белгиланган режа ва мажбуриятларнинг бажарилмаганига албатта сабаб топилади. Раҳбарлар эса ўзини оқлаш учун турли-турли баҳоналарни рўкач қилиб, ваъзхонликдан нарига ўтмайди.

Мисол учун, жорий йилни олсак, у ҳақиқатан ҳам, ҳар томонлама пахтачилик учун қулай келди, деди мамлакатимиз раҳбари. Табиий шароит ҳам, об-ҳаво ҳам, ҳосил учун энг зарур бўлган сув таъминоти ҳам яхши бўлди, бундан нолисак, ношукурлик бўлади.

Шу ўринда Президентимиз бир қатор саволларни ўртага ташлади.

Сирдарё вилоятида ҳам жуда кўп меҳнат сарф қилиниб, яхши ҳосил етиштирилган бир пайтда уни йиғиб-териб олиш ишлари тўғри ташкил этилмагани, хусусан, зарур ишчи кучи, теримчилар кенг жалб қилинмаганини қандай баҳолаш керак?

Натижада деҳқонларнинг пешона тери билан шундай қийинчилик эвазига етиштирилган ҳосилнинг далада қолиб кетгани учун ким жавоб беради?

Сирдарёда ҳар доим ишчи кучи етишмаслигини олдиндан билатуриб, техникани ўз вақтида тайёрлаш, механизаторларни сафарбар этиш, уларни рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда, механизация ҳисобидан бу масалани ечиш бўйича ким ўйлаши, ким қайғуриши керак эди?

Жорий йилда вилоятдаги мавжуд 201 та терим машинасидан 140 таси ишлатилгани ҳам шунинг оқибати эмасми?

Пахтачиликдаги қолоқликнинг яна бир сабаби — ғўза навларини районлаштириш ва Сирдарё шароитига мос келадиган навларни танлаш ишларида аниқ илмий ёндашувнинг йўқлиги билан боғлиқ, деб қайд этди Ислом Каримов. Маҳаллий шароитда синовдан ўтган навларни кўпроқ экиш, янги навлар устида қаттиқ ишлаш масаласи ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганини кузатиш қийин эмас.

Маълумки, Сирдарё вилоятидаги мураккаб шароитни ҳисобга олиб, пахта бўйича шартнома режалари охирги йилларда анчага камайтирилиб қўйилганини ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Яратиб берилган шароитга қарамасдан, белгиланган режани ҳалол бажариш ўрнига айрим мансабдор шахслар томонидан кўзбўямачилик, сохта ҳисоботлар бериш каби хунук хатти-ҳаракатлар содир этилаётганига нима деса бўлади?

Текширишлар натижасига кўра, бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида вилоят ҳокимининг тазйиқи остида анча-мунча қўшиб ёзишлар бўлгани аниқланган. Бу жиноий ишлар бўйича ҳозир тергов органлари текширув ўтказмоқда ва айбдорлар албатта жазосини олади.

Юртбошимиз куйиниб айтганидек, вилоятда нафақат пахтачилик, балки бошқа муҳим тармоқлар, жумладан, ғаллачилик соҳасида ҳам муттасил орқага кетиш, ҳосилдорликнинг камайиши кузатилмоқда.

Бу борада 1 минг 66 та фермер хўжалиги шартнома режасини бажара олмагани, оқибатда вилоят бўйича жорий йилда 12,4 минг тонна дон кам топширилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Минг афсуски, бу соҳада ҳам қўшиб ёзиш ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, «Ховосдон» акциядорлик жамиятида 15 минг тонна, «Оқолтиндон» акциядорлик жамиятида 3 минг 800 тонна, «Боёвут» дон тайёрлаш пунктида эса 1 минг 500 тонна ғалла қўшиб ёзилгани бу тармоқда ҳам қинғир ишлар борлигини кўрсатади.

Мутасадди раҳбарларда талабчанлик ва қатъият етишмаслиги туфайли вилоятда ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ўрнига уларни ҳисоботдан яшириш, талон-тарож қилиш ҳолатлари авж олган. Масалан, Ховос туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалигида 60 гектар ерга пахта ўрнига полиз ва сабзавот, маккажўхори ва шоли экилган.

Бундай бемаза ишлар Гулистон ва Сирдарё, Сайхунобод ва Сардоба, Оқолтин туманларида айниқса чуқур томир отган. Шунинг натижасида вилоят бўйича тахминан 1,5 минг гектар ерга пахта ўрнига бошқа экинлар экилиб, ердан фойдаланиш бўйича мавжуд тартиб-қоидалар бузилган.

Президентимиз фермерларга ер ажратиш борасида уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик иллатлари кучайиб кетганини исботловчи аниқ далилларни келтириб ўтди. Мисол учун, Боёвут тумани ҳокими Эргаш Дадабоев ўз ўғлига 88 гектар ерни, бу ҳам етмагандек, бутун бир фермер хўжалигини қонун талабларига зид равишда расмийлаштириб берган.

Айрим масъул раҳбарларнинг ўз лавозимини суиистеъмол қилиши билан боғлиқ бундай нохуш ҳолатлар кўплаб учрамоқда. Ўтказилган текширувлар давомида аниқланишича, мансабдор шахслар ва баъзи ҳокимлик вакилларининг 30 та ҳолатда қонунга хилоф тарзда ер ажратишга аралашгани ҳам буни исботлаб турибди.

Вазирлар Маҳкамасининг вилоятдаги 25 та ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисидаги қарорини бажариш охирига етказилмагани сабабли 1 минг 700 гектар ер ҳозиргача эгасиз ётибди. Ушбу хўжаликларнинг 1 миллиард 500 миллион сўмлик мулки ҳали-бери хусусийлаштирилмаган.

Республика ҳукумати вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2000-2004 йилларда ирригация ва мелиорация тармоқларининг капитал қурилиши ва эксплуатацияси учун 28 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратган эди. Афсуски, бу маблағнинг 83 фоизи ўзлаштирилган, холос.

Ишга ана шундай лоқайдлик оқибатида Сирдарё шароитида катта аҳамиятга эга бўлган хўжаликлараро ва ички суғориш каналларини ҳамда коллекторларни тозалаш ва реконструкция қилиш ишлари бор-йўғи 50 фоиз атрофида бажарилган.

Натижада кейинги икки йил давомида шўрланган майдонлар қарийб 10 минг гектарга кўпайиб, умумий ҳисобда 64 минг 500 гектарга етган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, вилоятда 2 минг 730 гектар экин майдони бўйича ҳисоботлар нотўғри юритилгани, 150 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлари ўзлаштириб юборилгани нафақат ер масаласида, балки бошқа моддий ресурсларни сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш борасида ҳам тартиб-интизом бўшашиб кетганини кўрсатади.

Тармоқда шартнома мажбуриятларининг сурункасига бажарилмаслиги оқибатида кўпгина хўжаликларнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб бормоқда. Вилоятдаги 18 та ширкат хўжалиги 445 миллион сўм, 1 минг 700 та фермер хўжалиги эса 3,5 миллиард сўмдан зиёд транш маблағларини олгани ҳолда, уларни ҳали-бери банкларга қайтармагани ҳам буни исботлаб турибди.

Албатта, юқорида зикр этилган салбий ҳолатлар бўйича барча айбдор шахслар қонун олдида жавоб беради. Лекин кўзбўямачилик ва фирибгарликнинг шунчалик чуқур томир отишига тегишли органлар, депутатлар ва фаоллар нега жимгина қараб турди, деган ҳақли савол туғилади.

Сирдарё вилоятида бугунги кун талаби бўлган иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар таҳлилига тўхталар экан, мамлакатимиз раҳбари бу борада ҳам оқсоқлик кўзга ташланаётганига эътиборни қаратди.

Ҳозирги пайтда вилоятда хорижий инвестициялар иштирокида тузилган 43 та қўшма корхонадан 12 таси турли сабаблар билан ишламаётгани бу масалага бўлган лоқайдлик ва эътиборсизлик натижасидир.

Вилоятда жойлардаги мавжуд хомашёдан тайёр маҳсулот ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш борасида қабул қилинган минтақавий дастур амалда бажарилмасдан келмоқда.

2004 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, маҳаллий хомашё негизида маҳсулотлар ишлаб чиқариши режалаштирилган 7 та корхонадан бор-йўғи учтасида эндигина бу иш бошланган.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Нима, Сирдарёда бунинг учун керакли хомашё йўқми? Бор. Фақат бу ишга эътибор йўқ, раҳбарларда масъулият йўқ, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш йўқ, деди Юртбошимиз. Вилоятда етиштирилаётган гўштнинг атиги 14 фоизи, сутнинг 12 фоизи, пахтанинг 4 фоизи, ҳўл меванинг 5 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланаётгани ҳам буни исботлайди. Ҳолбуки, вилоятда кўп миқдорда етиштириладиган сабзавот ва боғдорчилик, жун ва тери маҳсулотларини қайта ишлаб даромад топиш имкониятлари мавжуд.

Вилоятда молиявий барқарорликни таъминлаш, ўзаро ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, нақд пул тушумини кўпайтириш, айланма маблағлар салмоғини ошириш борасида ҳам талайгина муаммолар бор. Жорий йилнинг 1 сентябригача дебиторлик қарзлар миқдори 245 миллиард сўмдан, кредиторлик қарзлар эса 248 миллиард сўмдан ошиб кетгани буни яққол тасдиқлайди.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг сифатини ошириш, қарзларни ундириш борасида тегишли чора-тадбирлар кўрилмаётгани туфайли бу соҳадаги қарзлар миқдори йил бошидан буён 123 миллион сўмга кўпайган.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят раҳбарияти бу ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш ўрнига бюджетга пул тушумларини таъминлашнинг ғайриқонуний усулларини қўллаган. Яъни, хусусий тадбиркорларга дўқ-пўписа қилиш, тазйиқ ўтказиш орқали қонунга хилоф ишларни амалга оширган ва фирибгарлик йўлидан ҳам қайтмаган. Бу борада кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Ҳозирги вақтда Марказий банк ва Молия вазирлиги бундай номақбул ҳолатларга чек қўйиш устида иш олиб бормоқда.

Аҳолисининг кўп қисми чўл ҳудудларида яшайдиган Сирдарё вилоятида ижтимоий масалалар қанчалик долзарб аҳамиятга эга экани ҳеч кимга сир эмас, деди Президентимиз, бу борадаги ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда эканини қайд этиб.

Мисол учун, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласини олсак, бугунги кунда вилоятдаги жами 474 километр узунликдаги сув тармоғининг 193 километри фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолгани, мавжуд 94 та қудуқнинг 30 тасидан умуман фойдаланиб бўлмаслиги аён бўлади.

Давлатимиз раҳбари куйинчаклик билан сўзлаганидек, ҳатто раҳбарларнинг шундоқ кўз ўнгида бўлган Гулистон шаҳридаги сув насосларининг 60 фоизи яроқсиз ҳолга келиб қолгани сабабли, кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларига сув етказиб беришда мунтазам узилишлар рўй бермоқда. Шаҳардаги мавжуд 139 километрлик сув тармоғининг 85 километри фойдаланишга деярли ярамайди.

Ислом Каримов ана шу мураккаб муаммони ечиш учун ҳукуматимиз ва Осиё тараққиёт банки ўртасида 2002—2007 йилларда Гулистон шаҳрини сув билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида шартнома имзоланганлигини эслатиб ўтди.

Бу шартномага кўра, шаҳарда 14 миллион 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги иш бажарилиб, сув тармоқларини қайта тиклаш ва қуриш режалаштирилган эди. Лекин вилоят раҳбарияти ва тегишли мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги туфайли лойиҳани амалга ошириш ишлари пайсалга солиниб, фақат 2003 йилнинг декабрида бошланди. Шу боис ҳозиргача Шимолий Гулистон сув тўплаш ҳавзасида сиғими бор-йўғи 10 минг куб метрли иншоот қурилган, холос.

Вилоятда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини барпо этишдек долзарб масалада ҳам қолоқликка йўл қўйилмоқда.

2002—2004 йилларда фойдаланишга топшириш мўлжалланган 19 та касб-ҳунар коллежининг 6 таси ҳанузгача қуриб битказилмаганини албатта қониқарли деб бўлмайди. Бундай ачинарли ҳолатни соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кўриш мумкин. Масалан, жорий йилда белгиланган 20 та қишлоқ врачлик пунктидан атиги 6 таси ишга туширилган.

Вилоятда бу ўта муҳим масалага мана шундай совуққон муносабат туфайли аҳолининг умумий касалланиш даражаси ўтган йилга нисбатан 8 фоизга, шу жумладан, вирусли гепатит 23 фоизга, наркологик касалликлар эса 20 фоизга кўпайган. Оналар ва болалар ўртасида касалликларга чалиниш даражаси юқорилигича қолмоқда.

Буларнинг барчаси вилоятда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун зудлик билан зарур чора-тадбирлар кўришни талаб этади, деди Ислом Каримов.

Сирдарё вилоятида қонунчиликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ишларнинг ҳолати барчани ташвишга солмоқда. Буни жорий йилнинг 9 ойи давомида содир этилган жиноятлар сони 4,5 фоизга, жумладан, оғир тан жароҳати етказиш 25 фоизга, транспорт воситаларини ўғирлаш 100 фоизга кўпайгани ҳам тасдиқлайди.

Вилоятда товар-моддий бойликларни қонунга хилоф равишда четга олиб чиқиш ҳолатлари йўлига қатъий тўсиқ қўйилмаяпти. Биргина шу йилнинг 9 ойи мобайнида 150 тонна қора ва рангли металл, 26 тонна минерал ўғит қўшни давлатларга контрабанда йўли билан олиб ўтилаётганда ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланган.

Юқорида зикр этилган салбий ҳолатларнинг илдизи, томири қаерда деган саволга жавоб излайдиган бўлсак, деди Юртбошимиз, бунинг сабабини биринчи навбатда вилоятда тартиб-интизомнинг бўшашиб кетганида ва такрор айтишга тўғри келади — кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг масъулиятини оширишда йўл қўйилаётган жиддий хатоларда кўриш керак.

Шу ўринда илгари ҳам билдирган бир фикрни яна айтмоқчиман, деди Президент. Раҳбар борки, белини маҳкам боғлаб, аввало ўз манфаатини эмас, эл-улусни, шу ерда яшаётган инсонларнинг манфаатини ўйлаб фидойилик кўрсатиб, керак бўлса, шу юрт учун жонимни бераман, деб меҳнат қилади. Бундай раҳбар одамларнинг бошини қовуштириб, олдига катта марраларни қўйиб мана шу заминни обод этиш, одамларни рози қилишга эришади.

Лекин, надомат билан айтиш керак, ҳаётда шундай раҳбарлар ҳам бўладики, мансаб курсисига ўтириши билан мутлақо ўзгариб қолади. Олдин ким бўлганини, қайси қишлоқ, қайси маҳалладан чиққанини унутади. Бир сўз билан айтганда, оёғи ердан узилади.

Ўзининг — кибр-ҳавоси, одамларни менсимаслиги, ўзбошимчалиги ва қўполлиги билан кўпчиликнинг кўнглини ранжитади. Одамларни, жамоатчиликни бирлаштириш, руҳини кўтариш ўрнига тескари оқибатларга олиб келадиган ишларга қўл уради.

Вилоят ҳокими Равшан Ҳайдаров фаолияти ҳақида гапирганда, шуни айтиш кераккки, у тасодифан ҳоким бўлиб қолган эмас. У илгари ҳам кўп жойларда, катта лавозимларда ишлаб, тажриба орттирган, деди Ислом Каримов.

Унинг кўп йиллар Ички ишлар вазирлигида масъул лавозимларда ишлагани, жумладан, етти йил вазир муовини бўлгани, кейинчалик Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармасига раҳбарлик қилгани, сўнгги йилларда Фавқулодда вазиятлар вазири, Божхона қўмитаси раиси бўлиб фаолият кўрсатгани ҳам буни исботлайди.

Ҳаммамизга маълумки, вилоятнинг биринчи раҳбари лавозими шу вилоятнинг ривожига, шу ҳудудда истиқомат қиладиган одамларнинг ҳаёти ва тақдирига бевосита таъсир ўтказади, шу боисдан ҳам бу вазифа инсондан жуда кўп ўзига хос хусусият ва фазилатларни талаб қилади.

Айтайлик, вазирлик лавозими баъзи бир нуқсонларни, енгил-елпи қарашларни кўтариши ҳам мумкиндир. Эҳтимол, бундай камчиликлар вазирлик вазифасида бирданига кўзга ташланмас.

Аммо вилоят ёки туман миқёсидаги биринчи раҳбарнинг фаолиятида бундай хунук ҳолатлар, аввало манманлик, одамларнинг фикрига беписанд қараш каби иллатлар дарров кўриниб қолади ва ўз-ўзидан ишнинг натижасига салбий таъсир ўтказади.

Равшан Ҳайдаров вилоят ҳокими лавозимига ўтириши билан ишни илгари ўзи билан бирга ишлаган таниш-билишларини атрофига тўплашдан бошлаган, деди Президент.

Бундай одамлар илгари ички ишлар тизимида ишлаб, кейинчалик ўз вазифасидан четлатилган бўлишига қарамасдан, Ҳайдаров уларни Тошкентдан Сирдарёга олиб келиб, ўз ҳомийлигига олгани ҳар қандай одамни таажжублантиради, албатта.

Умуман, кадрларни танлаш борасидаги бундай номақбул ёндашувни кўп мисолларда кўриш мумкин. Масалан, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган Ж. Шариповни олайлик.

Бу «чаққон» катта миқдордаги маблағ ва моддий бойликларни ўзлаштирган. Жумладан, нархи 15 миллион сўмлик трактор ва прицепни ўз ўғли Р. Шариповга тегишли «Ота орзуси» фермер хўжалиги ҳисобига ҳеч қандай ҳужжатсиз ва пул ўтказмасдан бериб юборган.

Бу масала бўйича қўзғатилган жиноий иш Р. Ҳайдаровнинг аралашуви билан «босди-босди» қилинган. Ҳозирда Ж. Шарипов устидан қўзғатилган жиноий иш тергов натижасига кўра вилоят судига юборилган.

Вилоят ҳокими 2003 йилда «Ховосдон» акциядорлик жамияти раҳбари Ш. Холиқбердиевни ҳам ноқонуний йўллар билан жиноий жазодан асраб қолган. Ҳолбуки, вилоят прокуратураси бу шахсни қўшиб ёзиш орқали ўғрилик қилишда айбдор деб топиб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатган эди.

Яна бир собиқ раҳбар — «Сирдарё электр тармоқлари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси А. Кўчқоров устидан ҳам 115 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги молиявий фирибгарлик ва катта ҳажмдаги моддий-товар бойликларни ўзлаштириш бўйича жиноий иш очилган эди. Лекин Ҳайдаров ўз вақтида ўринбосарлари орқали вилоят прокурорига босим ўтказиб, бу ишни ҳам ёпдириб юбормоқчи бўлган.

Вилоят ҳокими эл-юртнинг ичига кириб бориш, унинг дарду ташвишлари билан яшаш, ҳар бир муаммони ўз жойида ўрганиш ва ҳал қилиш ўрнига асосий вақтини ярим кечагача чўзиладиган мажлислар, қуруқ ваъзхонлик каби номақбул ишлар билан ўтказган.

Лўнда қилиб айтганда, таъкидлади Юртбошимиз, у ўз фаолиятида эски замондан қолган маъмурий-буйруқбозлик усулларини афзал кўрган. Яъни, бугунги кун талабларини мутлақо тушунмасдан иш юритган.

Унинг фаолиятидаги яна бир хунук ҳолат шундан иборатки, ўз қўл остидаги раҳбар ва ходимларни ҳақорат қилиш, камситиш, уларнинг шахсиятига тегишни ўзи учун иш услубига айлантириб олганини қандай баҳолаш керак?

Бугун вилоятни бошқаришда ҳукм сураётган мана шундай хунук ҳолатлар ва мавжуд вазиятни инобатга олиб, зарур хулоса чиқариб олишимиз лозимлиги барчамиз учун аён бўлмоқда. Юқорида йўл қўйилган барча нуқсон ва хатоларни Р. Ҳайдаровнинг ўзи ҳам тан олиб, эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш ҳақида ариза берган. Шу масалани овозга қўйиш ва бу бўйича бугун тегишли қарор қабул қилишимиз керак.

Ҳозирги кунда Сирдарё вилоятининг оқсоқликка юз тутиб, ўз олдига қўйган режа ва мажбуриятларни бажармасдан, молиявий ва иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолгани ҳаммамизни, аввало шу ерда яшаётган ва фаолият кўрсатаётган оддий ишчидан тортиб катта раҳбарлик лавозимларида ўтирганларнинг барча-барчасини ташвишга солиши табиий.

Ана шундай вазиятга олиб келадиган сабаб ва омиллар ҳақида ўйлар эканмиз, булар орасида энг муҳими — ҳаммамизни боқадиган ернинг унумдорлиги йилдан-йилга пасайиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Сирдарё воҳасини ўзлаштириш даврида ҳал қилинмай қолган муаммоларни ечмасдан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, шўрланишга қарши чора кўрмасдан туриб, олдимизда турган барча тўсиқларни бартараф қилолмаймиз, таъкидлади Юртбошимиз ушбу масалага тўхталиб.

Яъни, ерларнинг мелиоратив ҳолатини, ишдан чиққан вертикал ва горизонтал дренажларни, коллекторларни тартибга солмасдан, бу борадаги оғир муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, бугунги вазиятдан чиқишни умуман тасаввур қилиш қийин. Токи ушбу масала ечилмас экан, деҳқонларимиз қандай фидокорона меҳнат қилмасин, қандай шижоат кўрсатмасин, бу ҳаракатлар кутилган натижага олиб келиши амримаҳол.

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун ҳукуматимиз ва тегишли вазирликлар керакли маблағни ажратиш, Сирдарё аҳли бир ёқадан бош чиқариб, бутун куч ва имкониятларини шу мақсад йўлида сафарбар этиши бугунги кундаги энг долзарб вазифа бўлиб турибди.

Мана шу юртни ўз ватани деб биладиган, Сирдарё заминини билан ғурур-ифтихор қиладиган одамлар бу масалани ўз қўлига олмаса, шундай интилиш ва ғоя уларнинг қалби ва онгига кириб бормаса, барча ҳаракатларимиз самара бериши мушкул.

Албатта, бу ишларни ташкил қилиш учун ўз ҳаловатидан воз кечиб, бошқаларга ҳам тинчлик бермасдан, эл-юртни шунга сафарбар этиб, тинимсиз меҳнат қиладиган етакчи керак. Ва бу етакчи, ўйлайманки, шу соҳа бўйича мутахассис бўлиши лозим. Яъни, сув хўжалиги, ирригация ва мелиорация масалаларини, шу ишларнинг негизини чуқур биладиган, тажрибали, ўз касбини севадиган, вилоят аҳлининг орзу-умидлари ва ташвишларини юрак-юрагидан қабул қиладиган инсон бўлиши керак.

Мана шу талабларни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимиз раҳбари Сирдарё вилояти ҳокими вазифасига ҳозирги пайтда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Абдураҳим Жалоловни тавсия этди.

Сирдарё халқи азалдан қийинчиликларни сабот ва матонат билан енгиб келган меҳнаткаш, софдил, бағрикенг халқ. Мен Мирзачўл элининг изланувчанлик ва ташаббускорлик фазилатларига, меҳнат ва ҳаёт тажрибасига ишонаман, деди Президент пировардида.

Бу халқ бир ишга бел боғлаб киришса, албатта охирига етказади. Фақат унинг ишончини қозониш, кўнглига йўл топиш, эзгу мақсадларга сафарбар эта билиш лозим. Менда ҳеч қандай шубҳа йўқ: кўпни кўрган, ўта оғир ва мураккаб синовларда тобланиб, бу синовлардан шараф билан чиққан вилоят аҳли ўзига хос ва мос хусусият ва фазилатларига суяниб, бир ёқадан бош чиқариб, Сирдарёнинг шуҳрати ва обрў-эътиборини тиклаш борасида ўзини аямай меҳнат қилади.

● ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ГУРУҲЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ЁРДАМ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Жаҳонда терроризм хавфининг ортиб бориши, Марказий Осиёдаги мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият, Ватанимиз қуролли ҳимоячиларидан доимо ўз устида ишлашни, касбий маҳоратини мунтазам ошириб боришни, ҳушёр ва сергак бўлишни, жанговар шайликни муттасил такомиллаштиришни, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳар қандай тажовузга муносиб зарба беришга тайёр туришни талаб қилади. Халқаро терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм сингари қабиҳ кучлар ўзининг қора ниятларини амалга оширишга уринмоқда. Натижада кўплаб бегуноҳ инсонлар, норасида гўдаклар дунёдан кўз юммоқда, майиб-мажруҳ бўлиб қолаяпти. Бизнинг мамлакатимизда ҳам содир этилган разилликлар бунинг ёрқин далилидир.

Давлатимиз раҳбари — Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» номли китобида халқаро терроризм, диний экстремизм ва фундаментализмнинг асл мақсадини, улар ортида кимлар, қандай кучлар турганини атрофлича очиб бердилар. Президентимизнинг ушбу асарига мурожаат қилар эканмиз, терроризм, диний экстремизм ва фундаментализмнинг жирканч башараси тўла намоён бўлади.

Ғанимнинг нияти — Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтариш. Одамлар юрагига ваҳима ва қўрқув солиб, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, уларни бир-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказишдан иборат.

Улар мақсадларига эришиш учун, аввало содда, билими ва ҳаётий тажрибаси кам кишилар, айниқса, ёшларнинг онги ва тафаккурини чалғитишга уринадилар. Бундай қабиҳ ниятли кучлар жуда чуқур ўйлаган, катта маблағ билан таъминланган, узоқни кўзлайдиган дастур ва режаларга, энг замонавий восита ва имкониятларга эгадир. Уларнинг таъсирига тушган кишиларнинг миясини заҳарлаш мақсадида ҳеч қандай соғлом ақлга сиғмайдиган бузғунчи ақида ва ғоялар, шу жумладан, «Ҳизбут-таҳрир» оқимида кенг тарқалган халифалик давлати қуриш даъватларини ишлатадилар.

Бу масалада барчамиз огоҳ ва сезгир бўлишимиз даркор. «Ҳизбут-таҳрир» каби диний оқимлар аҳолининг ичида, маҳалла ва қишлоқларда ташвиқот ишини бошлаб, ўз сафига, аввало ёшларни тортаётган пайтда найранг ишлатиб, ўзини мусичадек беозор, фақатгина адолат ўрнатиш тарафдорлари қилиб кўрсатишга уринадилар. Лекин тажриба шуни тасдиқлаяптики, улар кучга кирганда ўзининг ҳақиқий қиёфасини кўрсатишади.

Ўз сафидан жангариларни майдонга чиқариш учун ҳар томонлама замин тайёрлаб турган бу оқим вақт-соати келганда, ҳокимиятни, қонуний тизимни ағдариш мақсадида тинч ҳаётни бузиб, қон тўкишдек мутлақо зўравонлик ва тажовузкорлик ҳаракатларига ўтиши ҳеч гап эмас. Кимки бундай оқимлар ва уюшмаларнинг низоми ва қоидалари, уларнинг таклиф ва ғояларини қабул қилмаса ёки уларга кўнмаса, буларнинг пешонасига «кофир», «диндан қайтган» деган тамғани босиб, уларга қарши жиҳод эълон қилиш, ҳатто ота-онасидан ҳам воз кечишни талаб қилади.

Улуғ аждодимиз Жалолиддин Мангуберди хотирасига Хоразмнинг маркази Урганч шаҳрида ҳайкал очилиши маросимида сўзлаган нутқида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шундай деган эдилар: **«Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йўлини таҳлил қиладиган, ўша тарихий воқеаларга бугунги кун кўзи билан қараб баҳо берадиган бўлсак, улар бизни мана шундай табиий ва ибратли сабоқ-хулосалар чиқаришга ундайди.**

Биринчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, шу эркин, осуда ҳаётни кўра олмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, халқ тинчлигини бузишга уринадиган ёвуз кучлар ҳамиша бўлади.

Бу — ҳаёт. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати. Уни ҳеч ким инкор эта олмайди. Буни нафақат ўз тарихимиз ва ҳаётимизда, балки бошқа халқлар тарихи ва ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Иккинчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, ўзининг туғилиб ўсган, ота-боболарининг ҳоки ётган, эртага фарзандлари камол топадиган тупроқнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур бўлса, бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриш керак.

Учинчи аччиқ хулоса шуки, ҳар қайси эл, ҳар қайси юрт четдан келадиган ёвуз офатдан кўра, ўз ичидан чиқадиган сотқин, иймонсиз, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, керак бўлса, энг яқин кишиларини ҳам сотадиган, ўзини ўстирган, вояга етказган Ватанига қўл кўтарадиган, қабиҳ кимсалардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Бундай кучлар, разил шахсларнинг кибру ҳавоси, манфур мақсадлари эл-юрт тинчлиги ва тараққиётига қандай хавф-хатар эканини бугунги ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Такроран айтаман, бу нафақат кечаги тарихимиз, балки бугунги ҳаётимиз билан ҳамоҳанг аччиқ сабоқдир.

Яна бир сабоқ шуки, эл-юрт ва давлат учун, унинг тақдири ва келажаги учун қайғурадиган, одамларнинг эзгу ниятларини ўзига олий мақсад қилиб қўйган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқни бирлаштириб, турли бало-қазолардан асраш учун сафарбар эта оладиган шахсларгина тарихда ўчмас ном қолдиради. Бу — ҳақиқат.

Жалолиддин Мангуберди ана шундай мардларнинг ёрқин тимсоли ва ибратли намояндасидир.

Султон Жалолиддиннинг бизга қолдирадиган яна бир даъвати шуки, у барчамизни она юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, ўсиб келаётган, эртага бизнинг ўрнимизни эгаллайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандларимизнинг келажагини, бахт-саодатини ҳимоялашга, ёруғ истиқболга интилиб яшашга чорлайди.

Султон Жалолиддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру ғуруридир. У бизнинг озодлигимизга, истиқлолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиғи ва тимсолидир».

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудида барқарорликни таъминлаш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга эришиши — давримизнинг асосий вазифасидир. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз келажагини учта асосий йўналишда, деб билди. Булар: хавфсизликни сақлаш, барқарорликни таъминлаш, тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланиш.

Мустақил ривожланиш йўлига ўтган давлат тараққиётига ўзига хос таҳдидлар вужудга келиши мумкинлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида батафсил тўхталиб ўтди. бу таҳдидлар Ўзбекистон Республикасига хос эканлигини асослаб берди.

Минтақавий можаролар. XXI аср бўсағасида жаҳонда вужудга келган сиёсий ҳолатни таҳлил қилган Президентимиз минтақавий можаролар дунёнинг ривожланган минтақаларига ҳам, ривожланаётган минтақаларига ҳам хос тус олганлигини кўрсатиб, жумладан ушбу далилларни келтиради: дунё бўйича (мисол келтирилади) фуқаролар уруши туфайли 30 миллионга яқин одам ўзи яшаб турган жойларини ташлаб, бошқа мамлакатларга қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлган. Қуролли можаро кескинлашганда қочоқларнинг, улар билан бирга фитначи элементларнинг қўшни давлатларга ўтиши юз берди. Шунингдек, наркотик моддаларни олиб ўтиш, халқаро терроризм ва қурол-яроғ контрабандаси каби муаммолар ҳам бугунги кунда Ўрта Осиё давлатлари учун кўндаланг бўлиб қолди.

Бундай шароитда Ўзбекистон миллий стратегиясининг асосий йўналишларидан бири — чегарадош мамлакатлардаги ҳарбий-сиёсий можароларнинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни ва амалий қадамларни қўллаб-қувватлашдан ўз давлат сиёсати доирасида ва халқаро ташкилотлар механизмларидан фойдаланган ҳолда имкониятларини ишга солишдан иборатдир. Мазкур йўналишда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48 ва 50-сессияларида, Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгашда сўзлаган нутқлари, 6+2 форумидаги амалий ишлари (И. А. Каримов аниқ келтирган) шулар жумласидандир.

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик. Аслида буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик кўринишлари тарихда янги ҳодиса эмас. У асрлар давомида шаклланиб, кучайиб келган. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик деганда айрим йирик давлатларнинг, аҳолисининг сони жиҳатдан кўп миллатларнинг атрофдаги мамлакатлар, уларнинг аҳолиси билан ўз муносабатларини устунлик ва мумтозлик нуқтаи назаридан амалга оширишга интилишларини тушунамиз.

Буюк давлатчиликдан иборат шовинистик сиёсат кўп марталаб катта тўқнашувларга, қонли урушлар ва можароларга олиб келганлиги тарихдан маълум. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик бутун-бутун халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ишончсизлик ва шубҳа туғдирган, авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Инсоният ҳанузгача буюк давлатчилик шовинизми хавфидан халос бўлолганича йўқ. Тўғри, бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида унинг барча субъектлари ўртасидаги муносабатларда тўла тенг ҳуқуқлилик устунлик қилмоқда. **«Бироқ, — деб ёзади Президентимиз, — шовинистик ва агрессив миллатчилик инерциясининг кучи ҳали шу қадар залворлики, бу куч унга дуч келганлар учун ҳам, уни бошқаларга қаратаётганлар учун ҳам нақадар хавфли эканлигини пайқамаслик мумкин эмас».**

Шовинизм нималарда намоён бўлади? Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жўғрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлоқ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашида намоён бўлади. Бундай давлатларга кўпроқ иқтисодий жиҳатдан заиф, ички беқарор давлатлар нишон бўлади.

Шовинизм нимадан келиб чиқади? Буюк давлатчилик шовинизми бошқа миллатлар ва мамлакатлар билан ўзаро маданиятли ҳамкорлик қилишга тайёр эмасликдан ва маданий ҳамкорлик қилишни хоҳламасликдан келиб чиқади.

Буюк давлатчилик шовинизмининг ифодачиси ким? Унинг ифодачилари ҳарбий империядир. Тарихдан маълумки, империялар иқтисодиёти босиб олинган мамлакатларни, ҳудудларни эксплуатация қилган, уларнинг ҳаётий манбалари ҳисобига яшаган. Шовинистлар томонидан бўйсундирилган халқларга уларнинг миллий жиҳатдан норасолиги, маданий қолоқлиги ҳақидаги ҳалокатли ғоя сингдирилар эди.

Мустақил Ўзбекистон учун бугунги кунда буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик туғдираётган таҳдиднинг реал хавфи қуйидагилардан иборат:

— халқаро, давлатлараро ва элатлараро қарама-қаршиликни келтириб чиқариш;

— халқаро-ҳуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилик кўрсатиш;

— Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш;

— мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон халқларида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилиш;

— миллатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизликни келтириб чиқариш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш;

— янги мустамлакачилик ва янги империячилик ёндашувларини зўрлаб қабул қилдириш, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш.

Сайёрамизда 1600 дан ортиқ этник гуруҳ яшайди. Аммо уларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмас. Ҳозирги замоннинг ҳал қилиниши мушкул муаммоларидан бири ҳам шу масалага, этник ўзлигини англашнинг ўсиб боришига ва халқларнинг миллий давлатчилик тараққиётига йўл очиб берилишидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳам кўп элатли давлатдир. Унинг ҳудудида асосий миллат — ўзбеклар билан бир қаторда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Улар ўртасидаги муносабатлар масаласига зийраклик ва нозиклик билан ёндашиш Ўзбекистон учун жуда ҳам долзарбдир.

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунданоқ миллатлараро можароларга йўл қўймаслик, ҳар қандай миллий зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган сиёсат олиб борди. Миллий манфаатлар, эҳтиёжлар фуқаролик жамияти ва демократик жамиятнинг манфаатлари билан яқинлаштирилиб борилди. Республикада миллий-маданий марказнинг вужудга келтирилиши, умумтаълим мактабларида миллий тиллар ўқитилишига кенг йўл очилиши майда миллат ва элатларнинг миллий-маданий эҳтиёжларини қондиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Республикамизда 80 дан ортиқ миллий-маданий марказ ишлаб турибди. Бу марказлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда катта роль ўйнамоқда.

Коррупция ва жиноятчилик. Моҳиятига кўра коррупция ва жиноятчилик давлатнинг амалдаги қонунларига хилоф равишда шахсий манфаатларни қондириш йўлида мансабдор шахслар, оддий фуқаролар томонидан қилинадиган хатти-ҳаракатлар ва фаолиятларнинг натижасидир. Аммо, улар ўзларининг кўлами жиҳатидан, содир этилишида қатнашадиган шахслар ёки гуруҳлар салмоғи жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, коррупция давлат тизимида фаолият кўрсатаётган мансабдор шахсларнинг амалдаги қонунларни назар-писанд қилмасдан бойлик орттириш учун ўз мансабларидан фойдаланиш йўлида қиладиган жирканч хатти-ҳаракатларидир.

Коррупция энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдид ҳисобланади.

Тарихий тажриба ва ҳозирги амалиёт, жумладан баъзи янги мустақил давлатлардаги воқеликлар коррупция ва жиноятчиликнинг хавфсизликка соладиган таҳдидини яққол тасаввур этиш имконини беради.

Биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда, коррупция амалга оширилаётган ислоҳотларга қаршилик кўрсатиш ифодасидир. Маъмурий-буйруқбозлик тизими «хуфёна» иқтисод билан бирлашиб кетади. Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларининг манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўяди. Бу эса мамлакат сиёсати ва иқтисодиётига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига ҳам иқтисодий, ҳам маънавий томондан катта зарар етказади.

Иккинчидан, жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинларининг жиддий тарзда бузилишига олиб келади.

Учинчидан, жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради.

Тўртинчидан, нопок йўллар билан пул топганлар ўз бойликларини сақлаб қолишга, жазодан қутулиб қолиш ва ўз жиноий сармояларини ҳимоя қилиш учун жамиятда беқарорликни келтириб чиқаришгача бориб етадилар.

Бешинчидан, жиноий усуллар билан бойлик орттирганлар ҳуқуқ ҳимоячилари, демократия учун жафо чеккан кимсалар сифатида сиёсатга кириб олишга ҳаракат қиладилар.

Олтинчидан, коррупция чет эл тадбиркорлари ва инвестицияларнинг мамлакатга кириб келиш йўлига тўсқинлик қилади. Шерикларда ишончсизлик вужудга келишига сабаб бўлади.

Уруғ-аймоқчилик. Коррупциянинг бир кўриниши уруғ-аймоқчилик бўлиб, унинг мақсади ўз оила аъзолари ва қариндош-уруғларини давлат ҳокимияти пиллапояларидан мумкин қадар юқори кўтаришдан иборат. Қариндош-уруғчилик, ҳудудий ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўрадиган, айнан шу манфаатларни биринчи ўринга қўядиган уюшмалар (кўпинча норасмий уюшмалар) умумий ишга, умумдавлат, умумхалқ манфаатларига зарар келтирган ҳолда шаклланиб, ўз мақсадларига эришиш учун қариндошларини мавжуд давлат, ҳокимият ва бошқа поғоналарда юқори кўтаришга ҳаракат қилар экан, бу ҳол хавфли бўлиб қолади. Жамиятда алоҳида гуруҳнинг манфаатлари умумий манфаатлардан устун келиши ижтимоий кескинликнинг ўсишига олиб келади. Давлатга, унинг барқарорлиги, яхлитлигига, тараққий этишига таҳдид туғдиради.

Олиб бориладиган барча ишларда Ўзбекистоннинг умуминсоний қадриятлари ва умуммиллий манфаатлари устувор бўлишини, унинг бутун ҳудудида умумдавлат қонунлари устуворлигини таъминлайдиган тамойил асос қилиб олиниши даркор. Жамият ичидаги алоҳида шахсларнинг уюшқоқлик билан жипслашишига уларнинг қайси уруғга, ҳудудга ёки этник гуруҳга мансублиги эмас, балки умумдавлат даражасида корпоратив (тадбиркорлар, зиёлилар, аграрчилар ва шу кабилар) манфаатларнинг яхши англанган муштараклиги асос бўлиши лозим.

Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликка қарама-қарши ўлароқ, халқимизда, хусусан, ёшларда умуммиллий ифтихор ва чинакам ватанпарварликни шакллантириш билан боғлиқ бўлган ғояларни шакллантириш лозим.

Экологик муаммолар. Ўзбекистон мустақил ривожланиш босқичига экологик хавфсизлик муаммоси миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган бир даврда кириб келди. Булар:

Биринчидан, собиқ иттифоқ даврида табиий ва минерал-хом ашё захираларининг хўжасизлик билан ишлатилганлиги, табиатнинг бузилиши;

Иккинчидан, ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавфнинг ортиб бориши. Ер шўрланиш даражасининг ўсиши. Кўплаб кимёвий моддаларнинг қўлланилиши натижасида тупроқнинг зарарланиши;

Учинчидан, сув захираларининг тақчиллиги. Улар ифлосланиши даражасининг ортиб бориши;

Тўртинчидан, ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши ва радиоактив ифлосланиш даражасининг ошиб борганлиги.

Диний экстремизм ва терроризм. XX аср охирида бутун дунё, шу жумладан, Марказий Осиё минтақаси учун энг катта таҳдид, бу — диний экстремизм ва терроризм бўлди. XX асрнинг охирида «ислом уйғониши», «қайта исломлашиш» жараёни вужудга келди. Исломнинг сиёсий фаоллашувига олиб келган сабаблар:

— ижтимоий-иқтисодий аҳвол, яъни аҳоли қуйи табақаларининг, майда мулкдорларнинг ўз даромад манбаидан маҳрум бўлиб, йирик шаҳарларга оқиши кучайди. Ишсизлар ва камбағаллар кўпайди. Шунингдек, жамиятнинг олий табақа вакиллари ўртасида сиёсий фаоллашув кучайди;

— мустамлакачи давлатларнинг узоқ йиллар давомида мусулмон мамлакатларини ғарбга хос тараққиёт йўлидан етаклаб бориш, ғарб маданияти ва ахлоқини сингдиришдан иборат сиёсати барбод бўлди. Мусулмон халқларининг ғарб маданияти ва ахлоқига нисбатан нафрати ва норозилиги кучайди;

— мусулмон мамлакатларидаги ижтимоий ҳаракатларга диний тасаввурларнинг таъсири кучайди. Ўз тарихи, маданияти ва анъаналарига мурожаат қилишга интилиш ўсди;

— дунёдаги айрим сиёсий кучлар ўз мақсади йўлида «ислом омили»дан фойдаланиб қолишга уриндилар. Бунга араб-исроил можароси, Афғонистон можароси, Ироқдаги тоталитар, террорчилик тузумга қарши Америка Қўшма Штатлари раҳбарлигидаги коалицион кучлар бошчилигидаги ҳаракатлар мисол бўла олади.

Ўзбекистон қадимги динлар ўлкаси бўлиб, унда исломдан аввал зардуштийлик, христианлик, яҳудийлик, буддийлик ва бошқа ўндан ортиқ динлар мавжуд бўлган. Халқимиз онгига сингиб кетган диний бағрикенглик туфайли биронта динлараро ва миллатлараро низо тарих саҳифаларида қайд этилмаган.

Мўғул босқини исломлашиш жараёнини тўхтатиб қўя олмади, аксинча, тасаввуф тариқатлари ривож олиб, исломни бизнинг заминда ўзига хос белги олишига сабабчи бўлди. Бу даврда ислом шариат ва тариқат шаклида Марказий Осиёда маънавий ва ғоявий бирлаштирувчи куч ролини ўйнади.

Амир Темурнинг мўғулларга қарши курашида ҳам сўфийлар фаол иштирок этди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ислом динини ўзига хос мутаассибликдан холи, эркин тушунган. Унинг комил эътиқоди бошқа динларни рад этиш ҳисобига бўлмаган ва бу жиҳатдан у нафақат ўз асри, балки ҳозирги замон кишиси учун ҳам намунадир.

Таассуфки, 100 йилдан ортиқ давом этган мустабид тузум жамиятимизни боқимандалик кайфиятига ўргатиб қўйди. Энг ачинарлиси, мафкура, эътиқод масалаларида ҳам берилган фикрларга танқидий нуқтаи назардан ёндашиш кишиларимиз учун ёт кўринишга айланиб қолди. Мовароуннаҳр диёри азалдан маърифат ва дину диёнат ўчоғи, уламо ва фузалолар юрти эканлигини унутиб қўйдик. Маънавий илдизларимиздан айириш, динни жамият ҳаётидан сиқиб чиқаришга қаратилган сиёсат натижасида асрлар давомида ислом динини илм даражасига кўтарган буюк алломаларнинг фарзандларига даҳрийликка асосланган мафкуравий таъсир кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди, натижада маънавият ва маърифат ўрнини маълум даражада жаҳолат эгаллаб, юртдошларимиз фиқҳ, тафсир, ҳадис, тасаввуф илмлари ҳақида тушунчага эга бўлмай қолдилар. Ҳатто ислом дини, мусулмончилик нима, деган саволларга жўяли қилиб жавоб бера оладиганларнинг сони ҳам озчиликни ташкил этди.

Ана шундай шароитда минтақада, хусусан Ўзбекистонда ўз таъсирини ўтказишга қаратилган кучлар миллатимиз табиатини ҳисобга олиб ҳамда дунё тажрибасида синашта бўлган усул — ислом омилидан ғаразли мақсадларда фойдаланишга ўз интилишларини қаратдилар. Ислом динининг соф ғоялари ниқоби остида сиёсий ҳокимиятни эгаллашга интилдилар.

Яъни Оллоҳ, ислом каби сўзлар билан биргаликда номланган партия, ташкилотлар «Ислом уйғониш партияси», «Ҳизбуллоҳ» (Оллоҳ партияси), «Ҳизб ат-таҳрир ал-исломий» («Ислом озодлик партияси») кабиларни тузиб, мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, яхлит жўғрофий ҳудудда ислом давлати қуриш, халифаликни қайта тиклашга ҳаракат қилдилар.

Ислом дини ҳақида фикр юритар эканмиз, «ислоҳ» сўзини назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Ислом дунёсидаги ислоҳ — реформа моҳиятини насроний давлатлардаги ислоҳотдан фарқлаш керак. Исломда диннинг ўзини эмас, балки уни бузиб талқин этиш ва тушунмасликка қарши ислоҳ қилиш лозимлиги уқтирилади. Демак, исломда ислоҳ деганда диннинг асл сарчашмаларини булғамаслик назарда тутилади.

Ислом дини тарқалган ўлкалардаги муҳим хусусиятлардан яна бири — уни қабул қилган халқларга ислом ақидалари ва маънавий маданий муҳитини ишлаб чиқишга ўз ҳиссасини қўшиш имкониятини берганидадир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган ғоялар «экстремистик» ҳисобланади. Диннинг қандайдир бир йўналишини бузиб талқин этган ҳолда сиёсий мақсад қўювчи ҳаракат диний экстремизмга олиб келади. Диний экстремизм номланмасин ёки қандай кўринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гуруҳларни шакллантириш орқали ҳокимият тепасига келишдан иборатдир.

Умуман, «фундаментализм», «экстремизм», «терроризм», «фанатизм» каби сўзлар том маънода ҳокимият учун курашувчи ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва оқимларга тегишлидир.

«Фундаментализм» атамаси аслида христиан дини билан боғлиқдир. Унинг биринчи бор расмий қўлланиши 1908 йилда АҚШнинг Калифорния штати протестантлари тузган «Христиан динининг фундаментал тушунчалари конференцияси» томонидан қўлланилган бўлиб, қуйидаги асосий 5 ақидани ифодалайди:

— Исуснинг бокира аёлдан дунёга келгани;

— унинг инсоният гуноҳларини оқлаш учун қурбон бўлгани;

— жисман қайта тирилиши;

— ер юзига жисман иккинчи бор келиши;

— китобнинг муқаддаслиги ва уни дастлабки соф ҳолига қайтариш.

Диний экстремизм ўзининг икки хусусияти билан ажралиб туради:

— уларнинг ақидасига кўра, ҳозирги замон мусулмонлари жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва жоҳилия (исломдан аввалги) асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув ҳукумат ва унинг олиб бораётган сиёсатини танқид қилишга «асос» бўлиб хизмат қилади;

— улар гўё фақат «ҳақиқий» мусулмонлар ҳокимиятга келгач, барпо бўлажак «исломий тартиб»ни ўрнатиш учун кескин ва агрессив ҳаракат қилиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун экстремистлар қуйидаги кўринишларда ўз фаолиятларини ташкил этадилар:

1. Зўравонлик, яъни террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш натижасида омма ичида қўрқув пайдо қилиш ва ўзларининг кучларини кўрсатиш орқали ҳукуматга босим — тазйиқ ўтказиш.

2. Иқтисодиётни турли йўллар билан (диверсия, қишлоқ хўжалиги ва саноат манбаларини издан чиқариш) таназзулга учратиш орқали ҳукуматни кучсизлантириш ва заифлашган ҳокимиятни осонлик билан ағдариб ташлаш.

3. Турли ташкилот ва оммавий ахборот воситаларининг «беғараз» ёрдамида гўё «мамлакатда фуқароларнинг виждон эркинлиги борасидаги ҳуқуқлари бузилмоқда ва диний эътиқод поймол этилмоқда» каби иддаолар билан ҳукуматни обрўсизлантириш ва унга бўлган ишончни йўқотиш.

4. Кам сонли диний ташкилотларга қарши ҳужум уюштириб, ҳатто уларни намойишкорона жисмонан йўқ қилиш йўли билан содир бўладиган динлараро ва миллатлараро низо оқибатида беқарор вазиятни вужудга келтириш.

5. Жамиятни зимдан исломлаштириш, яъни маърифий-тарбиявий ишларни ташкил этиш.

Аввалига мўътадил кўринган бундай фаолиятга аста-секин хорижий ва маҳаллий доираларнинг ғоя ва мақсадлари сингдириб борилади. Исломнинг соф таълимоти ва маълум қараши — манфаат билан қуроллантирилган, тайёр бўлган ижтимоий онг керакли вақтда ўз мақсадларини амалга ошириш учун осон йўналтириб юборилади.

Диний экстремизм қайд қилинган барча кўринишларда намоён бўлади. Уларнинг Қуръон оятларига асосланиши эса ислом ғояларини жамиятга тадбиқ этиш эмас, балки юртдошларимизнинг эътиқодини чалғитиш ва ислом орқали ҳокимиятга интилишдан ўзга нарсани кўзламайди.

Шу ўринда Президентимиз И. А. Каримов сўзларига эътибор қаратайлик: **«Оқ-қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нимаю сохта ақидалар нималигини, ким пок ниятли художўй инсону ким мунофиқ риёкор эканини яхши билади. Таассуфки, баъзан ислом дини ва ислом фундаментализми ҳақида гапирганда, бу икки тушунчани бир-бирига аралаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда. Маълумки, ҳозирда дунёда 1 миллиард 300 миллион одам ислом динига эътиқод қилади. Мақаддас ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб кучлар, табиийки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди».**

Дарҳақиқат, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдухолиқ Ғиждувоний, Замахшарий каби пири комилларни етиштириб чиқарган замин фарзандларини ҳеч қандай куч ҳеч қачон ҳидоятдан залолатга бура олмайди.

Ўзбекистон давлати миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги асоосий масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу ҳол давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилиш муаммоларига эътиборни кучайтиришни зарур қилиб қўяди. Бунда ҳокимиятни марказдан жойларга ўтиш жараёни минтақавий сепаратизмга олиб келмаслиги керак. Жамият ҳаётини демократиялаш эса турли шиорлар остида сиёсий экстремизмнинг авж олиши учун асос бўлмаслиги лозим. Шу сабабли янги босқичда гап ижтимоий тараққиёт жараёнларида давлатнинг роли пасайиши ҳақида эмас, балки янада аниқроқ юзага чиқиши, стратегик йўналишлар белгиланиши ва уларда яқин келажакда давлатнинг етакчи роли сақланиб қолиши тўғрисида боради.

Миллий хавфсизлик, мамлакатнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга ҳозирги босқичда биринчи галда ташқи кучлар кўпроқ таҳдид солмоқда. Бу вазият давлатимизнинг мудофаа қобилиятини яқин рўй бериши мумкин бўлган тажовуздан ҳимояланишга тайёрлик даражасини фақат бизнинг мамлакатимиз учун эмас, балки бутун минтақа учун ҳам миллий хавфсизликни ва барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим шарти даражасига кўтармоқда.

Маълумки, давлатнинг мудофаа қобилияти унинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, илмий ва маънавий имкониятларидан таркиб топади. Бу соҳада биз юритадиган сиёсатнинг асослари Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуни, Мудофаа доктринасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Давлат мудофаа қобилиятининг энг муҳим қисми унинг Қуролли Кучларидир. уларнинг жанговар қудрати босқинчини қуролли можаролар ва уруш бошлаб юборишдан тийиб туриш вазифаларини бажаришга тайёрлик даражасидан ҳамда мамлакат ҳудудига босқинчилик қилинган тақдирда оддий қурол-яроғларнинг ҳар хил турларидан фойдаланган ҳолда босқинчини тор-мор қилишдан иборатдир.

Ҳарбий қурилиш соҳасидаги мақсад — профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шаъни ва қадр-қимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборат. Мақсад — миқдор жиҳатидан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму-кўст қуролланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучларни шакллантиришдир.

Қуролли Кучларнинг ҳарбий қудрати, жанговар қобилияти кўплаб омиллардан таркиб топади.

Биринчиси, бу — шахсий таркибнинг миқдори ва сифати. Бу сифат унинг профессионал даражаси, ахлоқий-руҳий қатъияти, жисмоний тайёргарлиги ва интизоми билан белгиланади.

Кўриниб турибдики, Қуролли Кучларимизнинг таркиби, тузилиши ва миқдори, бир томондан, минтақадаги ҳақиқий ҳарбий-сиёсий вазиятга, ташқаридан туғилиши мумкин бўлган ҳарбий таҳдидларга мувофиқ бўлмоғи лозим. Иккинчи томондан эса давлатимизнинг реал имкониятлари ва ресурсларига мос бўлмоғи керак.

Шахсий таркибнинг талабга жавоб берадиган сифат даражасини таъминлашда унинг профессионал тайёргарлиги, ўқув-моддий базанинг ҳолати ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бунда ёшларга ҳарбий таълим берувчи бутун тизимнинг роли ҳам беқиёсдир. У жамиятимизнинг жисмонан ва маънан бақувват аъзоларини, жаҳон цивилизацияси ютуқларини, халқимизнинг маданий ва маънавий қадриятларини ўзлаштириб олган Ватан фидойиларини тайёрлаши керак.

Ўзбекистон Президенти — Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Қуролли Кучлар ташкил топганлигининг 12 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида жумладан шундай деган эдилар: **«Ҳар қайси миллат ва халқ учун муқаддас саждагоҳ бўлмиш она Ватанни қадрлаш, унинг эркинлиги ва озодлигини ҳимоялаш, бу йўлда, керак бўлса, жон фидо қилиш — шу юртнинг жасур ўғлонлари, ўзини эр йигит деб биладиган инсонлар учун қадим-қадимдан ор-номус ва мардлик белгиси бўлиб келган.**

Кўҳна ва шонли тарихимиздан яхши биламизки, халқимиз мана шундай фидойилик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатган фарзандларини ҳамиша юксак қадрлаган, уларнинг жасорати ва садоқатини қўшиқ ва достонларда тараннум этган.

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда, узоқ ва яқин атрофимизда тобора кучайиб бораётган таҳдид ва хатарларни, бутун инсониятга катта хавф солаётган халқаро терроризм балосини инобатга оладиган бўлсак, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган миллий армиямизни барпо этиш, уни ҳар томонлама замонавий талабларга жавоб берадиган Қуролли Кучларга айлантириш ҳозирги кунда энг долзарб ва давлатнинг устивор вазифаси бўлиб қолмоқда.

Биз бугун Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллик байрамини нишонлар эканмиз, янги, профессионал замонавий армияни барпо этиш мақсадида кейинги йилларда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, бу йўлда қўйган қадамларимиздан мамнун бўлишга албатта ҳақлимиз.

Миллий армиямизнинг келажаги ҳақида гапирганда авваламбор юртимизнинг жуғрофий ва геосиёсий шароитини, минтақамиздаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хослигини, мамлакатимизга таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқ англаган ҳолда, тезкор ва ихчам, замонавий қурол-аслаҳа ва техника воситалари билан таъминланган, юксак маҳорат ва жанговар руҳга эга бўлган Қуролли Кучларни ўзимизга тасаввур қиламиз.

Шу борада бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва охирига етказиш, жумладан, жанговар низомларни, норматив тартиб ва қоидаларни янада такомиллаштириш, қўшин турларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ошириш, кичик офицерларни тайёрлайдиган ҳарбий билим юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига, айниқса, армиямизнинг ўзаги бўлган сержантлар мактабларининг тўлиқ шаклланишига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Энг асосийси, ҳозирги пайтда армия сафларида хизмат қилиш ҳар қайси йигит учун унинг зиммасига юкланган мажбуриятни бажаришгина эмас, балки ҳаммани ҳавасини келтирадиган шароитда давлат хизматида бўлиб, эл-юрт олдидаги ғоят мураккаб, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифани адо этишга, ватанпарварлик, мардлик мактабини ўташдек шарафли ишга айланиши даркор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ

ТВОИ СЫНОВЬЯ, УЗБЕКИСТАН!

Налетевший ветерок легко, словно играючи, разогнал остатки туч, и горное ущелье, где еще несколько минут тому назад господствовала ночная мгла, озарилось неоновым светом. Это луна, огромный диск которой висел так низко, что, казалось, до него можно дотянуться рукой, в одно мгновение превратила горы в настоящий сказочный мир. Обычные камни становились похожими на неведомых зверей, а устремленные в небо вершины напоминали чудо-богатырей. В другой раз разведчики под командованием офицера Рустама Рахмонова, наверняка, вдоволь бы налюбовались этой внезапной сменой природных декораций, но сегодня они отдали предпочтение отдыху. Длительный переход по едва заметным горным тропам здорово утомил даже этих тренированных парней, а потому едва был объявлен привал, они тут же нырнули в «спальники», и только те, кто был назначен в боевое охранение, по-прежнему зорко вглядывались и вслушивались в безмолвствующую тишину. Убедившись, что все на своих местах, устало откинулся на сохранявший еще дневное тепло валун и Рустам. Но вместо желанного сна нагрянули воспоминания. Они, будто миражи, появлялись неизвестно откуда и прозрачной паутиной обволакивали сердце офицера. Гнать их прочь Рустам был не в силах, да и, по правде говоря, не особо этого хотелось, ибо каждый их штрих вызывал приятные воспоминания, с которыми так трудно было расставаться.

...Лунная ночь. Именно такой она была и тогда — шестнадцать лет назад, когда выпускник Республиканской школы-интерната военного профиля Рустам Рахмонов, успешно сдав вступительные экзамены, готовился отправиться в дальний путь, а точнее, в Благовещенское высшее военное общевойсковое училище. В тот вечер он допоздна засиделся с одноклассниками Шавкатом Хамраевым и Джафаром Узаковым, которые также стали курсантами военно-учебных заведений. Но здесь пути-дорожки закадычных школьных друзей расходились, поскольку каждый из них избрал свой путь. Ребята мечтали о будущем, стремясь предугадать его, но в то же время по всему чувствовалось, что они чего-то недоговаривали. В первую очередь это касалось Рустама, в котором все привыкли видеть душу компании, а сейчас он выглядел поникшим и даже растерянным. Что же волновало парня, что бередило его юную душу? Ответ на этот вопрос могли дать только он сам и, конечно же, родители. Уж они-то хорошо знали истинную мечту Рустама. Стать морским офицером, покорять бушующие просторы океана — вот к чему стремился их сын. Однако медицинская комиссия вынесла свой вердикт, который, казалось, перечеркнет все планы юноши.

Рустам хорошо понимал, что помимо хорошей учебы надежным помощником станет ему в жизни и спорт, а потому подружился с ним еще с детских лет. Однако усиленные занятия дзюдо, а затем и рукопашным боем едва не сыграли с ним злую шутку. Травму, полученную на одном из состязаний, медики выявили тут же и тем самым едва не оставили Рустама ни с чем. Но выбить из колеи настырного парня было не так-то просто.

— Расстроился он здорово, — вспоминает бывший классный руководитель Наталья Борисовна Шленская, — но все знали, что от своего Рустам не отступит, ведь в школе он был именно таким. Неудачи не страшили его, они лишь закаляли его характер. Он никогда не останавливался на полпути, но не успокаивался и тогда, когда цель была достигнута. А потому никто не удивился тому, что, несмотря на все протесты медиков, он все же стал курсантом военного училища.

Профиль пришлось, конечно же, поменять, но от мечты Рустам не отказался и, выдержав довольно внушительный конкурс — пять человек на место, — вскоре надел погоны с заветной буквой «К».

Родительское благословение перед дальней дорогой Рустам помнит как сейчас. Ни отец — Карим Эгамбердыевич, ни мать — Гульнора Хамракуловна не читали напутственных нотаций. Они лишь покрепче обняли сына и в один голос произнесли: «Оставайся верен себе, будь таким, как мы тебя воспитали». С той поры воды утекло немало, но этим словам, прозвучавшим как наказ, не



изменяет Рустам и по сей день.

— Мы стремились воспитать в нем самостоятельность, учили отвечать за свои поступки, — говорит Карим Эгамбердыевич, — и ныне гордимся тем, что были правы в своих родительских наставлениях.

Общительный характер Рустама помог в кратчайшие сроки «вписаться» ему в курсантскую среду, и вскоре группа, в которой он учился, признала его своим лидером. Но зарождался авторитет парня из далекого Самарканда отнюдь не на пустом месте. Признание приходило благодаря успешной учебе и весомым достижениям в спорте, с которым он по-прежнему не расставался. Будучи еще первокурсником, он стал чемпионом округа, чем привлек к себе внимание специалистов, а после того, как увенчал себя лаврами победителя на Всероссийском турнире по рукопашному бою, Рустаму стали поступать довольно заманчивые предложения, но цена их была слишком высока — поменять военную карьеру на спортивную. Ставить себя перед таким выбором без пяти минут лейтенант даже не думал. Свой выбор в жизни он уже сделал. Незабываемые минуты выпуска, и молодого лейтенанта дорога вновь приводит на родную землю.

Будучи еще курсантом, Рустам научился совершать прыжки с парашютом, принимал активное участие на учениях высадки морского десанта, по военным дисциплинам в дипломе красовались отличные оценки, и ему казалось, что с первоначальной должностью командира группы справится без проблем. Особых трудностей, действительно, не возникало, но не хватало опыта работы с людьми, и он по крупице перенимал его у старших товарищей, внимательно наблюдая за каждым их действием. Пытливый ум, умение все схватывать на лету шаг за шагом прибавляли уверенности, а вместе с ней не заставили себя ждать и первые успехи. После того, как группа добилась звания «отличной», наметились и передвижения по служебной лестнице.

Реформы, проводимые в Вооруженных Силах, предполагали создание и формирование практически новых частей и подразделений. И на одном из таких ответственных участков самоотверженно трудился офицер Рахмонов. Многое в своей командирской практике ему приходилось перекраивать, поскольку того требовала тактика действий воинского коллектива, где он теперь проходил службу. К сожалению, эту науку приходилось порой осваивать далеко не в самых идеальных условиях. Завоевания независимости, уверенные шаги поступательного движения нашей страны не давали покоя экстремистским силам, стремящимся повернуть вспять ход истории. Для достижения своих коварных замыслов в выборе методов они не гнушались. На территорию суверенного государства пытаются проникнуть специально подготовленные группы незаконных бандформирований, цель которых предельно ясна — посеять панику и хаос среди нашего свободолюбивого, стремящегося к прогрессу народа. Но просчитались те, кому не терпелось все увидеть в сер-

рых тонах. На защиту светлого будущего встали верные сыны своей Родины, не пожалевшие для этого даже самого дорогого — жизни. В первых рядах этих отважных парней шагал и Рустам Рахмонов. Смелость, решительность командира вдохновляли подчиненных, которые и в мыслях не допускали того, чтобы в трудный момент спрятаться за спины других. Об этом отрезке в своей офицерской биографии Рустам вспоминает неохотно. И не исключено, что причиной тому — смерть боевых товарищей, которой они смотрели прямо в глаза и приняли ее, не дрогнув. Родина по достоинству оценила этот немеркнущий подвиг, отметив своих защитников высокими правительственными наградами. Был в их числе и офицер Рахмонов. За мужество и героизм сначала на его плечи досрочно легли майорские погоны, а затем на груди ярко засияла медаль «Жасорат». Но не только боевыми подвигами прославился герой нашего рассказа. И в повседневной жизни он всегда на передовой, с честью выполняя свой конституционный долг, то, чему посвятил свою жизнь.

Очередное назначение для офицера Рахмонова было не самым радужным — все приходилось начинать с нуля. Но привыкший не бояться трудностей Рустам смело берется за дело. И вскоре военный городок, где дислоцировался возглавляемый им батальон, было не узнать. За короткий период введены в строй общежития для военнослужащих по контракту, учебные классы, спортивный и тренажерный залы. А вместе с тем растет и профессионализм воинов, что свидетельствует о том, что за массой хозяйственных проблем не забывал командир и о боевой учебе. Постоянно работает офицер Рахмонов и над собой, добиваясь при этом впечатляющих результатов. Нелегко, к примеру, было состязаться со своими коллегами на конкурсе за звание лучшего командира батальона, поскольку каждый из них — настоящий профессионал, но Рустам становится его победителем и тем самым вписывает в свой послужной список еще одну яркую страницу. Таких у офицера немало. Многое он может поведать о зарубежных командировках, где не только перенимал опыт, но и сам демонстрировал незаурядные знания и способности. Талантливого командира из Узбекистана хорошо запомнили в учебных заведениях и на военных базах Турции, Франции, США, России, где он достойно представлял наши

Вооруженные Силы. И все же есть в жизни офицера Рахмонова особо памятный день — день вручения наград, когда орден «Шон-Шараф» II степени он принял лично из рук Президента, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Узбекистана Ислама Каримова, вместе с наилучшими пожеланиями и напутствиями.

Как видим, за свои тридцать четыре года Рустам Рахмонов добился немалого, но такой уж у него беспокойный характер, что все достигнутое — не предел. Постоянно расширять кругозор, обогащая себя новыми знаниями, — в этом весь наш герой. Именно поэтому сегодня он — слушатель Академии Вооруженных Сил. Проучился немного, но командование, преподаватели уже заметили способного офицера и пророчат ему большое будущее.

— Подполковник Рахмонов — командир группы слушателей, — рассказывает начальник курса подполковник Абдукаххор Абдурахмонов, — и с этим назначением мы не ошиблись. Он душой болеет за каждого своего однокурсника. Богатый командирский опыт позволил ему тщательно изучить каждого из них, и в нужный момент он знает, кому и как помочь, а кого в случае надобности и приструнить. Одним словом, он наш надежный помощник и в учебе, и в службе.

Высокого мнения о своем командире и слушатели. Он — непререкаемый авторитет, и этим, думается, сказано многое. Им гордятся сослуживцы, родители, дети. Последние, правда, хотят почаще видеть отца дома, но такова уж жизнь офицеров, что покой им только снится. Но на частое отсутствие отца и мужа в семье не ропщут, наоборот, всячески стараются помочь ему в служебной деятельности. Жена Гузаль — пониманием и заботой, дети Асаль и Истам — хорошей учебой и примерным поведением. Мир и покой царят в этом доме, может быть, поэтому, когда переступаешь его порог, сразу ощущаешь атмосферу любви, доброты и взаимоуважения.

Свое счастье Рустам и Гузаль нашли одиннадцать лет назад. Случайная встреча на дне рождения у сослуживца переросла в прочные узы любви, которые соединяют их и по сей день. Гузаль оказалась терпеливой и стойко переносит беспокойное офицерское бытие. Вместе с супругом меняет гарнизоны, не сетует на временные бытовые неурядицы, словом, настоящая офицерская жена. Не чают души в своем отце и дети, всегда с нетерпением ожидающие его прихода, поскольку знают, это будет праздник. Сына Рустам воспитывает настоящим мужчиной — в шесть лет Истам уже знает элементы рукопашного боя, разбирается в компьютере и мечтает стать, конечно же, как папа, офицером. Дочку Асаль лелеет, как первый весенний цветок, желая, чтобы выросла она такой же нежной и чистой душой, как ее мать.

Незаметно пролетят два года учебы в академии, и куда проляжет путь подполковника Рустама Рахмонова, еще неизвестно. Но есть твердая уверенность в одном — куда бы ни закинула его судьба, он всегда и везде останется верным сыном своей страны, своего народа.

Подполковник Ярослав КОРУКА.
Фото автора.

«ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»

Ўзгаришлар қоғозда эмас, амалда

Мудофаа вазирлиги Ўй-жойдан фойдаланиш бошқармаси Ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари бўлими ва «Ватанпарвар» газетаси қўшма рейди

Тезкор текширув бошланишидан олдин рейд давомида ҳар бир қисмнинг, объектнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда нималарга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида қисқача фикрлашиб, маслаҳатлашиб олдик. Подполковник Мавлон Юнусов хизмат қилаётган қисмга етиб келганимизда ёнғин хавфсизлиги учун масъул, шахсларни топиш қийин кечгани йўқ. Навбатчи офицерларга хабар берганимиздан сўнг Ўй-жой хизмати бошлиғи капитан Яҳё Асханов дарҳол етиб келди. Мудофаа вазирлиги Ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари бўлими бошлиғи подполковник Жўра Ҳамроевнинг таклифига кўра, иш қисм штабидан бошланди. Штабга кирар эканман, чап томондаги кўплаб ўт ўчириш воситалари, уларнинг рўйхати илиб қўйилган махсус тахта эътиборимни тортди. «Ёмон эмас, аммо ичкарида аҳвол қандай экан?» дейман ҳамроҳим, Тошкент гарнизони ёнғинга қарши кураш ва қутқариш хизмати бошлиғи капитан Рамазон Атажоновга. У хизмат юзасидан бу ерга тез-тез келиб тургани учун ишонч билан жавоб берди:

— Кейинги бир неча йил ичида қисмда кўп ишлар амалга оширилди, ҳозир ўзингиз гувоҳи бўласиз.

Ҳақиқатдан ҳам эшикдан ичкарига кирган заҳоти фойеда бир эмас, иккита замонавий ўт ўчиргичга кўзим тушди. Тезкор навбатчи ўтирган хона бурчагида яна биттаси, тепароқда автоматик сигнализация қурилмаси. Юқори қаватга кўтарилгач, суҳбатимиз подполковниклар — Мавлон Юнусов ва Алишер Самандаровлар билан давом этди. Катта офицерлар қиш мавсуми олдидан, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги муносабати билан қисм қозонхонаси капитал таъмирланган, ҳар ҳафта, ўн кунда барча ҳарбий хизматчилар билан амалий ва назарий машғулотлар ўтказилаётгани, ёнғин ва техника хавфсизлиги комиссияси фаолияти, қисм ҳудудида, барча объектларда ички назорат ва тафтиш ишлари кучайтирилганини таъкидлаб ўтдилар. Тегишли режалар билан яқиндан танишгач, командирлар қисм штаби хоналарининг ҳолатига эътиборимизни қаратдилар. Қарийб ҳар бир хонада, йўлакда ўт ўчириш воситаларига, сигнал мосламалари ва йўриқномаларга кўзимиз тушди. Йўл-йўлакай аскарлар ётоқхоналарига кириб, улар яхши иситилаётгани, ҳар бир батальон ёки бўлинмада ёнғин, электр хавфсизлигига қатъий риоя этилаётганига, ҳатто навбатчиларнинг ёнида ҳам алоҳида ўт ўчириш воситалари борлигига гувоҳ бўлдик.

Жанговар машиналар паркига кирганимизда эса қурол-аслаҳа ва жанговар техникалар ҳолати учун бевосита жавоб берадиган подполковник Машрабжон Абдураҳмонов ва майор Тоҳиржон Сулаймоновлар бизни кутиб олишди. Улар билан ҳудудни айланар эканмиз, бу ерда ҳам ёнғинга қарши кураш воситаларининг улкан захираси — махсус тахталар, бурчаклар, асбоб-ускуналар, сув ҳавзалари, тармоқлари, ҳар бир жанговар машина олдида қум, сув солинган яшик ва бочкалар қўйилганини кўриб, шерикларим ўз мамнуниятларини изҳор этишди.

Подполковник Каримжон Ғафуржонов хизмат қилаётган қисмга келганимизда бизни қисм бўйича тезкор навбатчи майор Абдумалик Турсунов кутиб олди. Ўқув бўлими бошлиғи подполковник Баҳодир Қаҳоров шу кунларда қисм ҳудудида, ўқув биноларида, ётоқхоналарда олиб борилаётган ишлар билан таништирди. Ҳарбий объектлардаги ёнғин хавфсизлиги ҳолати, ютуқлар ва келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар биргаликда муҳокама этилди.

Майор Фарҳод Холбоев хизмат қилаётган қисмда ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ ишлар майор Муроджон Яхшиновга юклатилган экан. Ҳарбий объектлар билан танишар, шахсий таркиб билан суҳбатлашар эканмиз, режа асосидаги амалий ва назарий машғулотлар ўз вақтида ўтказилаётганига, сув ҳавзалари, тармоқлари, бирламчи ўт ўчириш воситалари талаб даражасида эканлигига амин бўлдик.

Подполковник Ғанишер Қурбонов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам Мудофаа вазирининг тегишли буйруғини бажариш, «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни намунали ўтказиш бўйича кўплаб тадбирлар белгиланган экан. Майор Насриддин Очилов, капитан Анвар Мусаев, шартнома бўйича хизмат сержанти Марат Шовалиевлар ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар , қўшимча чора-тадбирлар ҳақида кенг маълумотлар беришди. Объектлар, аскарлар ётоқхонаси, ёнғин хавфсизлиги пункти, ўт ўчириш машинаси ҳолати, ўт ўчириш гуруҳи таъминоти, кўргазмали қурол ва плакатларнинг кўплиги ушбу қисмда ҳам ёнғин хавфсизлиги масаласига жиддий эътибор берилаётганига яққол мисол эди.

Хуллас, тезкор текширув ҳарбий қисмлар ва масъул ходимлар қолаверса, текширувчилар учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Долзарб вазифалар қоғозда эмас, амалда бажарилаётгани, ютуқлар йил сайин, ой сайин кўпайиб, мавжуд камчиликлар бартараф этилаётгани яна бир бор ўз исботини топди.

Майор Азимбек УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 7. Беларус шахмат гроссмейстери. 11. Мусбат зарядланган электрод. 14. Мўғулистон ва Хитой ҳудудидаги чўл. 15. Овланган ёки овланадиган парранда. 16. Қозоғистон Республикаси жанубидаги қишки спорт иншоати. 17. Рангли металл. 21. Чопқир от зоти. 22. Тонгги пайт. 23. Куч ўлчови бирлиги. 26. Шамол тезлигини автоматик тарзда ўлчаб ёзиб борадиган асбоб.

ЁЙИГА: 2. Қадимги Рим саркардаси. 3. Орзу, истак. 9. Таниқли қозоқ халқ полвони. 10. Ҳавода парвоз қилиш соҳасидаги рус ихтирочиси, контр-адмирал (XIX аср). 12. Математиканинг миқдорлар устида, уларнинг сон ва қийматидан қатъи назар, бажариладиган амалларнинг қонуниятларини ўрганувчи бўлими. 13. Эшик тепасидаги токча. 19. Ҳўл мева. 24. Афсонавий қуш. 25. Бадиий ижод соҳаси, шеърият.

ЁЙЛАР БУЙИЧА: 1. Ер бағирлаб ўсувчи нозик чечак. 4. Озарбайжон мумтоз шоири, лирик ғазаллар муаллифи. 5. Тарози паллаларини тенглаштириш учун қўйиладиган қўшимча юк. 6. Африка ғарбида тарқалган энг йирик маймун зоти. 18. Нутқ қаратилган шахсни билдирувчи сўз. 20. Нодир кимёвий элемент, кумушсимон оқ металл. 27. Драмадаги қаҳрамоннинг бошқаларга қаратилган нутқи. 28 Узум нави.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 140-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 7. Синоним. 8. Стеарин. 11. «Соқийнома». 14. Шовот. 17. «Жаҳон». 18. Косинус. 20. Аббосов. 21. Раъно. 26. Шатак. 29. Бақатерак. 31. Қорачиқ. 32. Монолит.

ЁЙИГА: 1. Бионика. 6. Либерия. 9. Шимол. 10. Антонов. 12. Ассамблея. 13. «Бобурнома». 15. Шомон. 16. Шинак. 19. Бохабар. 22. Стадион. 23. Катет. 24. Позиция.

ЁЙЛАР БУЙИЧА: 2. Кошона. 3. Симоносеки. 4. Этнология. 5. Пастер. 25. Аттестация. 27. Коммутатор. 28. «Адидас». 30. Пистон.

Турфа олам

ҚИММАТБАҲО УЙИНЧОҚ

Лондоннинг «Кристи» кимошди савдосида 1930 йилда чиққан «Бентли» автомобилининг спорт модели сотилди. Номаълум харидор унинг учун аҳлбовар қилмас нарх 2,8 млн. фунт стерлинг, яъни беш млн. доллардан кўпроқ тўлади. Нима ҳам дердик, «Бентли» машиналари доимо дунёдаги бойваччаларга хуш ёққан, лекин ҳанузгача ҳеч бир машина бунақа қимматга сотилмаган. Тўрт гилдиракли от энди кимнинг гаражида турши ҳали сир. Лекин одатда бундай нарсалар шахсий коллекцияларда қолиб кетмайди. Эртами-кечми бизга кўз-кўз қилиш учун пайдо бўлишади.

ЖИЛОВЛАНГАН ТУЯҚУШЛАР

Австралиялик Фред Маркин ўз фермасида туяқушларни боқади. Унинг подаси 85 бошдан иборат. Ҳозир Австралиядаги айрим шаҳарларда туяқушлардан иборат транспорт воситалари пайдо бўлмоқда. Қушларни жиловлаб, улардан от ўрнида фойдаланишмоқда. Туяқушлар етарли даражада кучли ва чидамли бўлганлиги учун ҳам уларни араваларга қўшиш мумкин.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700031, Тошкент шаҳри,
Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-17-98; масъул котиб — 56-04-60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими — 56-02-51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими — 56-02-49; оммавий ишлар ва спорт бўлими — 56-03-72; маданият ва иктимоий ҳаёт бўлими — 56-03-48; социология ва реклама бўлими — 56-54-76.

Нашриёт ва босмахона бошлиғи—56-04-90; ҳисоб-китоб бўлими—56-03-82; обуна бўлими—56-03-46; буюртмалар бўлими—56-18-44; навбатчи—56-09-81.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Адади 16330. Буюртма № 0371.